

ГУЛЧЕҲРА НУРУЛЛАЕВА

Нурли нуқталар

ШЕ ЁРЛАР



ТОШКЕНТ

Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1986

Рассом М. Кагаров.

Китоб макетини А. Бобров тайёрлаган.

Н 4702570200—124 34—86
М352 (04)—86

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нап
риёти. 1986 й.

Янги шеърлар китоби



Китобда дунё тақдиридан безовталиқ, инсоният
бахти, эзгулик барқарорлиги учун кураш руҳи-
даги шеърлар етакчи ўринда.

*Кўзим қорачиги — бутун ер шарни,
Кулгум, қайғуларим — бани башарни, —*
дейди шоира бир шеърда.

Китобдан «Куба берган сатрлар» туркуми ҳам
жой олган.

АВТОПОРТРЕТ

*Кўзим қорачиғи — бутун ер шари,
Кулгум, қайғуларим — бани башари.*

*Меҳрим — ақл кўзим очар зотларга,
Муҳаббат, адолат, эътиқодларга.*

*Ишим — ҳаётимни қилганча тафтиш,
Юрак нотинчлигин беҳашам айтиш.*

*Таажжубим — баднинг беаёвлиги,
Ахшининг қобилу бўш-баёвлиги.*

*Нафратим — омаддан маст-аластларга,
Халқнинг юрагини англамасларга.*

*Кўрганим — мажнунтол хокисорлиги,
Кўрмаганим — унда хивич борлиги.*

*Айбим — қуруқ сўздан ёнолмаслигим,
Сохта буюкларни тан олмаслигим.*

*Нодонлигим — ифор этишим талаб,
Учратганим гулми ё сассиқ алаф.*

*Уйламай қай фириб ғажиб ташларин,
Ҳосилни гулдаёқ чамалашларим.*

*Нодонлигим яна — айланмай тилим,
Ёлғон мулозимат қилолмаслигим.*

*Кимга гул. ким учун балки тиканман,
Юртим, хизматингга ярармикаяман?!*

1984



*Ўуёшинг қўллари силаркан бошим.
Баҳоринг умримни безаркан хотам,
Артиб қўяркансан, гар оқса ёшим,
Достоним эканинг биламан, Ватан.*

ШЕЪР НАЗАРИЯЧИСИГА АЙТГАНЛАРИМ

Фикр юритасиз шеър хусусида:
Карвонбоши билсин шоир ўзин, деб,
Етак битта бўлсин минг-минг сўзида,
Туроқ мана бундай,
Бундай вазн, деб.

Кўрмабман-да сиздай мен фикр қилиб,
Билмасман назарий гапларнинг таъмин.
Билганим: шеър менга бўлсин инқилоб,
Мудом янгиласин руҳим ватанин.

1980

АНЖИР ПИШИБДИ

Онажон, анжирни кўрардингиз хуш,
Мен ҳам пишишини зор-зор кутардим.
Кеза бошлар экан фасли ёз сархуш,
Бозор томонларга сархуш ўтардим.

Раста оралардим — кўзларим интиқ,
Нажот излагандай хаста жонимга.
Олди анжирлардан қилардим тортиқ
Сизга — мунисгинам, онажонимга.

Кутмовдим кундузим бўлар деб қаро,
Қадамим боғлар деб кўринмас занжир —
Пайт келиб, бозорда расталар аро
Кўзимга ногаҳон ташланса анжир.

Уни кўргандаги завқу севинчлар
Сиз ила кетганин билдим шу куни.
Анжир анжир эмас, алам — соғинчлар...
Мен энди кимга ҳам элтардим уни?!

«Келиб қолинг...» дея чорлашар.
Бироқ —
Кўрганим мен учун қувончмас, ранждир.
Бўлиб кўзимга ёш,
Дилимга титроқ,
Расталарга чиқибди анжир...

1980

КУТИШ

Сен билан қайтишин биламан қўшиқ.
Сен билан қайтишин биламан тинчим.
Тонгда умид билан очади эшик —
Сенинг висолингга зор-зор соғинчим.

Дилимдан чиқармай дил оҳимни мен,
Қўл силтаб ҳар оннинг арралигига,
Пойлоқчи этаман нигоҳимни мен
Ўзим билан эшик оралиғига.

Неча бор ҳаллослаб югурар нигоҳ,
Қайтишда боши хам,
Қадамлари суст.
Умид менга эди тонгда хайрихоҳ,
Нодўст бўлиб чиқар эрталабки дўст.

Мен чарчаб кетаман эртадан то кеч
Кутиб алданишдан.
Уфлайман секин.
Тунда алам бўлиб кўз юмган соғинч
Тонгда умид бўлиб уйғонар лекин.

Мен эшик очаман тонг билан яна...

1980

Деразага кўзимни тикиб,
Ташқаридан изласам фараҳ,
Сарғайишдан чарчаб-зерикиб,
Тўкаётир дардларин дарахт.

Мен истовдим яшноқ бир хаёл,
Турмоғини ғайрат гупуриб.
Қани сен, эй ақлли шамол,
Куз дардларин ташла супуриб.

Ташрифига атаб оқ қишнинг
Очиб қўйгил топ-гоза йўлак.
Тезроқ кўрсин оппоқ боқишни
Сарғайишдан толиққан юрак.

Маъюс дарахт кўнглин хушласин,
Оқ либосли, оқбадан фараҳ.
Сўнг оқ тушлар кўриб ухласин
Дардларидан бўшанган дарахт...

1980

ЮНОН ХУДОЛАРИ

Гўзал Афродита — хаёлий моҳтоб,
Сендай илоҳалар тегрангда тўп-тўп.
«Минг бир кеча»ларга биз бўлсак сероб,
Қадим юнонларнинг худолари кўп.

Муҳаббат худоси, қуёш худоси...
Шеърият, куй-наво худолари бор.
Урушлар худоси, кўзёш худоси...
«Борлиққа ҳокимман!» —
нидолари бор.

Юнон худоларин эслайман маҳзун,
Ҳайратим кўзимдан сачрар ҳар томон —
Билмасам майлийдим,
Билганим ўзин —
Донолик худоси этса гар эълон.

Кўриниб қўйса ҳам камтар, хокисор
Билгич устозлару ўртоқларига,
«Мен — шеър илоҳаси»
дегувчилар бор
Содда тингловчининг қулоқларига.

Қай эшик пойлоқчи фаррошга боқиб,
Сўзидан ёғдирса буйруқ нидосин,
Ўз-ўзимга дейман:
«Бу ҳам, дарвоқе,
Кичик идоранинг катта худоси».

Ноҳақ бўла туриб, ким олмаса тан,
«Ҳақман» дейиш учун изласа фатво,

**Ужар манманликни кўрсам дафъатан.
Дейман: «Наҳот бу ҳам ўзича худо?!»**

**Одаммиз. Одамдай яшаб юрсак-чи,
Ранг излаб камолот кошонасига.
Худо бўлишларни қўйиб берсак-чи
Қадим юнонларнинг афсонасига.**

1980

ИРИНА РОДНИНА

Маҳоратнинг, шуҳратнинг, шоннинг
Айни авжга чиққанда гашти,
Ирина тарк этди майдонни,
Олқиш билан хайр-хўшлашди.

Ниқтамагай ички бир ғулув,
Энди унинг вақти яйдоқда.
Балки бу дам менга ўхшаб у
Гўдагига алла айтмоқда.

Маврид билмай келиб, чекинган —
Энтикишга очар ё қучоқ.
Ё айтилмай қолиб ўкинган
Тансиқ сўзин айтар айни чоғ.

Бошлолмаган каштасин бу кун
Эҳтимолки, қўлига олган...
Мухлислари кўзида лекин
Шоҳсупада турганча қолган.

Муз устида чарх урган ихлос
Бўлмаган ҳеч мустар ва қочқин.
Унинг ногоҳ тойилганларин,
Укинчларин кўрмаган ҳеч ким.

Ёшлик, ғайрат мудом гупуриб,
Бир аснода турмас-ку ахир.
Кимлар сизни туширмай туриб,
Шоҳсупадан тушмоқ ҳам — фахр!

1989

МУЗ УСТИДА БАЛЕТ

Муз устида турар ҳадик ва ишонч.
Муз устида турар мағлублик, зафар.
Ҳали оқмаган ёш, ҳали сир қувонч,
Балки нохуш мужда, балки хушхабар.
Билмайди раққоса: не кутар уни?
Биларки: маҳорат — биргина чора.
Кураш майдонига тушар шу куни
Бор ҳам ошкораю, йўқ ҳам ошкора.
Ҳеч ким қўя олмас борни яшириб,
Ҳеч ким қўя олмас ошириб камни.
Бунда сира бўлмас пинжига кириб
«Адолат» аталмиш одил ҳакамнинг.
Илҳом, машаққатга очиб тўшини,
Муз устида учган раққоса мисод —
Сен ҳам, эй тингловчим, бахтинг қушини
Тута билармисан ошкора, ҳалол?
Яхши-ёмонингни эл назарида
Қўя билармисан кафтинг устига?
Борингни ошириб,
Нуқсинг яшириб,—
Тушишларинг йўқми шуҳрат қасдига?
Нопокликка душман, ҳаққа шайдони
Сўроқлаб тураркан муз усти бу пайт,—
Агар бўлолмаса у бахт майдони,
Сен фақат ўзингдан кўрармисан, айт?
...Гулларга кўмилиб, гул бўлиб кетган
Раққосага қараб, ҳайқирар хаёл:
«Бор бўлсин муз усти — борни кўрсатган,
Бор бўлсин шон-шуҳрат, бўлса гар ҳалол!»

1980

БАТАН

Қуёшинг қўллари силаркан бошим,
Баҳоринг умримни безаркан ҳотам,
Артиб қўяркансан, гар оқса ёшим,
Достоним эканинг биламан, Ватан!

Кимдир этмоқ бўлса сени бартараф,
Хатар шамоллари эсса дафъатан,
Сен турсанг гўдакдай ҳимояталаб,
Посбонинг эканим биламан, Ватан!

1980



*Дейман: манглай терлари
Оқиб, довон ошар дам,
Уз чўққимиз шерлари
Қутлаганми бизни ҳам?!*

Мен шеър ёзар эдим
Гуллар қиқирлашганин кўриб,
Дугона юлдузлар
Сирли-сирли фикрлашганин кўриб...
Шеър ёзардим —
Қуёш ёруғ истакларим берилиб тинглар экан,
Пойидаги юрагимни ўзига тенглар экан...
Шеър ёзардим —
Висолга ошиққан қизнинг
Энтикишларин ўйлаб...
Муҳаббатнинг кулгуларин,
Хўрсинигин, гулувларин
Бергим келарди сўйлаб...
Энди эса...
Ернинг талай пучмоғида
Бош узра чарақлаган қуёшдан
Жудоликни кўриб,
Кеккайган бойлик пойида
Мунғайиб турган гадоликни кўриб,
Кўриб эзгулик ҳужжатини ушлаб олган қабоҳатни,
Кўриб адолат кўксидаги қонли жароҳатни,
Юзига меҳрдан парда тутиб олган ёвузликни таниб,
Қоврилиб,
Ўртаниб,
Ёниб,
Ўйлаяпман:
Энди шоир бўлсам керак.

1981

* * *

Усмон Азимовга

Хаёлларинг сен кўрмаган
Йўллар бўйлаб кезаркан:
Гоҳ қуёшни ой хўрлаган,
Гоҳ тонг юзи гезарган...

Гоҳ нур енгар.
Бошига гоҳ
Тушар эди тун қулаб.
Ким кимларга қазирди чоҳ...
Борарди-да инқилоб.

Эътиқод деб ўғил айру
Отасидан ўшал тоб.
Лоқайд, бевурд бўлса гар у
Кечирмасди инқилоб...

Юрагингга чақмоқ тушар,
Тугадирсан ёниб мушт —
Ҳали-ҳануз ким учун гар
Имон бўлса фаромуш.

Сен шоирсан.
Сенга мерос
Беҳаловат бир юрак.
Қизиққонсан шундан бир оз,
Туйғуларинг гулдурак.

Лоқайдликка шундан ҳар гал
Нафрат бўлиб юргайсан.
Сен очилган гулдан аввал
Топталганин кўргайсан.

Танти қуёш нурларига
Шеър битмассан маҳлиё —
Дилларнинг қай бирларига
Сочмай қўйса у зиё...

Қай сўзингдан кимлар мустар,
Қай сўзингдан ким хуноб...
Фақат нурни куйласанг гар,
Кечирмасди инқилоб...

1981

ТБИЛИСИ ҲАҚИДА ИККИ ШЕЪР

I

Урфга берилмадинг лақма аёлдай,
Тонгда кийганингни ечмадинг кундуз.
Кўзимга кўриниб тушдай, хаёлдай,
Юрагимда қолдинг, бетакрор юлдуз.

Қадим биноларинг тилсиз ўйларга
Тил бўлиб, сўзлайди бут имонингдан.
Бир хил андозали, янги ўйларга
Сен жой ажратибсан чекка ёнингдан.

Юрдим кўчаларинг пиёда кезиб,
Лаҳжа, ёзувларинг эди менга сир.
Тилинг англамасам, дилингни сезиб,
Юрдим эътиқодинг уқиб бари бир.

Қадим биноларинг туюлди гўё
Улмас Руставели дастхати бўлиб.
Шошқин аср аро, шитоблар аро
Турарсан кўзларим ҳайрати бўлиб.

Тош йўлларда юриб, панд еди оёқ.
Силлиқ юрганларга осон эмасдир.
Қоқинса майлига мен каби сайёҳ,
Халқингнинг товони тобланса басдир.

Бу ўзлик боисин,
Кезгани маҳал,
Майлига, ким қандай
Айласа талқин.
Мен-чи, Тбилиси, бетакрор шаҳар,
Сендан таниб олдим кимлигин халқинг.

II

Фурсат — оқар сувмас,
Ўткинчи эмас,
Бўлса-да заминдай мудом ҳаракатда.
Уни лоқайдгина ўтказсак ҳам бўлар,
Ё ушлаб қолсак ҳам ҳар бир бекатда...

Фурсат — оқар сувмас,
Ухшар жонзодга.
Уни яшатса ҳам, ўлдирса ҳам бўлар.
Ҳатто кундузлар ҳам ухлаб ётишлардан
Заҳарланиб ўлар,
Бўғилиб ўлар.

Ўлар у гийбатнинг очкўз чангалида,
Қабулхоналарда, эзма гапларда,
Қай ялқов бошлиқнинг «эрта келинг»и-ю,
Нафга айланмасдан қолган нафларда.

Кўрсатса ҳам бўлар лекин фурсатни
Эртага,

индинга,

улардан кейинга —

Юрак қонингдан ҳам қўшиб юборолсанг
Ёзажак шеърингга,
Қураб уйингга...

1981

ҲАҚИҚАТ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Сен — олтинсан, қадри мўлсан,
Борки олам талабгор.
Қай юртларга армон бўлсанг,
Қай юртларда сен бисёр.

Қўрққанидан кимлар эса
Сени йўққа йўяр ҳам.
Бағри сенга торлик қилса,
Ерга кўмиб қўяр ҳам.

Зангламассан ерда лекин,
Чиримассан кўзада.
Сен, бари бир, бирор бир кун
Чиқажаксан юзага.

Сув бор — ювиб ер юзини,
Сенга эшлик қилгувчи,
Топқирлар бор — ер кўксини
Илма-тешик қилгувчи.

Вулқонлар бор — ер қаърин ҳам
Ағдар-тўнтар этар куч.
Не бўлмасин, сенга одам
Албат бир кун бўлар дуч.

Фақат топсин, сени кўриш —
Истаклари сўнмасдан.
Йўқса, завол кетар олқиш,
Қадринг мисча бўлмасдан.

1981

КАЙФИЯТ

Мени чарчатмоқда сокин қуёшнинг
Унсиз юришию унсиз кулиши.
Мени чарчатмоқда бир хил қиёснинг
Шоирлар сатрида кўплаб бўлиши.

Ўйларга тўлдирад ўйчан бошимни
Лоқайд танбалликнинг катта хавфлиги.
Мени чарчатмоқда суҳбатдошимнинг
Қатор жумбоқларга бетарафлиги.

Чарчамоғим тайин

иқтидорсизлар —
Қўлида ўйинчоқ лавозимлардан,
Асли астарда заҳри бор сўзлар,
Аврадаги сохта тавозелардан.

Бас, етар!

Уча қол, эй кўнгил қуши!

Туғёнлар бағрини истар бу юрак.

Фикрлар гурунги,

ақл жунбиши

Менинг берлигимга тўлмоғи керак!

1981

АНГРЕН ЙЎЛИДА

Тоғ йўлининг сўқмоғи
Айлантирар бошингиз.
Хавфу хатар тўқмоғи
Эзмоққа шай дошингиз.

Бир ёнингиз — қоялар,
Таппа босар душмандай.
Бир томонда шумшук жар
Пайингизга тушгандай.

Оқ булутлар эмас пар,
Биз ҳам сизга ғаним, дер.
Олдингизда кўринар
Бирдан икки ҳайкал шер.

Ошдингиз, дея, довон,
Бири қутлар шахдингиз.
Боқиб сиз кетар томон,
Бири тилар бахтингиз.

Дейман: манглай терлари
Оқиб, довон ошар дам,
Ўз чўққимиз шерлари
Қутлаганми бизни ҳам?!

1981

Мен сезиб тураман гуноҳкорлигинг,
Ва буни сира тан олмаслигинг ҳам.
Бошланиб бу ҳолга исёнкорлигим,
Бергим келиб қолар барига барҳам.

Кетаман.

Кунларим ўтади ёлғиз.
Жўшган исёнлар ҳам қолади тинчиб.
Энди бахт онларин эслатиб ҳаргиз,
Сен томон тортқилар юрак ўтинчим.

Мен қайтиб келаман.

Шудир бўлганим.

Сезаман сенда ҳам йўқлигин ҳузур.
Мени кутиб олар кўзга тўлган-у
Сўз билан ҳеч қачон айтилмас узр...

1981

Илтифотдан хушҳол бўлиб
қолурман,
Тароватга бисёр-бисёр қонурман.
Бирор Ёиркун маънос тортсам, мен яна
Булулларга дил бўшатиб олурман.

Мен сўзларман жонни жонга
суққанга,
Юрагимни юрагидай уққанга...

1981



*Одамлар, шу чироқ бизларникидир,
Ҳимояси учун турмоқ керак тик:
Токи кўм-кўклиги туширмай қадр,
Очиқ йўллари миз бўлсин беҳадик.*

Икки юрак аро икки қадам йўл.
Етгудай, узатсак қўлларимизни.
Лекин қўл, кўзларнинг тўсиқлари мўл,
Ажратиб турибди араз, кек бизни.

Жуда яқин эдик. Олисмиз энди.
Жуда аҳил эдик. Энди тескари.
Наҳотки ақлни нодонлик енгди?
Наҳот биз йўл солдик сукунат сари?

Бергим келар, билсанг, сукунат додин,
Сенинг қучоғингга отганча ўзни...
Эшитмоқ истайман араз фарёдин,
Кўзим билан ўпиб меҳрибон кўзни.

Лекин қўлим, йўлим занжирбанд эрур.
Мен — нақ тўрга тушиб, мунгайган қушман.
Нима у — боғлаган, десам, у — ғурур —
Ўзимдан яралиб, ўзимга душман...

1981

МАКТУБИНГГА ЖАВОБИМ

Мен олис юлдузлар мадҳига тўйдим.
Тўйдим, юролмагач ёнимда олиб.
Юлдузлар ҳақида шеър ёзмай қўйдим,
Ёзганларим, майли, кетсин йўқолиб.

Не наф, эшитмасам улар шивирин?!
Не наф, тафтларига тутмасам юзни?!
Илғаб-илғамагач живир-живирин,
Ҳавас қилмай қўйдим олис юлдузни.

Бас, етар қуруқ сўз, қуруқ олқиш-ла
Уларга термулиб ўтгувчи фурсат.
Сен мени юлдузлар юртига бошла,
Сен менга уларнинг ўзини кўрсат!

1981

* * *

*Чинор ўзидан заҳар ишлаб чиқарин
ҳисобига узоқ яшар экан.*

Мен чинор умрига
ҳавас қилмай қўйдим.
Сербар кўланкаси,
салқинига ҳам,
барглар баётининг
талқинига ҳам,
оппоқ баданининг
силлиқлигию,
яшил либосининг
тиниқлигию,
улкан салобати,
кўримлигига,
шоирлар куйлаган
сўлимлигига —
ҳавас қилмай қўйдим.

Нега ҳавас қилай,
унинг бутоғига
қушлар ин қўймаса,
яйрашолмаса,
полапонлари-ла
сайрашолмаса.
Меваси бўлмаса
қилмоққа тортиқ,
ҳаммадан аввало,
ҳаммадан ортиқ —
чинор ўзин севса,
ёқласа ўзин,
оғу ишлаб чиқиб,
сақласа ўзин, —
нега ҳавас қилай?!

Мен ҳам бир дарахтман
чинор қатори.

Кимдан балки тикроқ,
кимдан балки паст,
балки қай кимлардай
серсоя эмас.

Лекин ҳамма каби
орзуларим кўп,
аввало теграмдан
қарзларим кўп.
Қарзимнинг муттасил
ниқташларидан,
боримни тутар дам —
мақташларидан
яшарар дарахтман.

Менга насиб экан
шу яшноқлик бахти,
келинг, оғушимни
тўлдилинг, қушлар.
Соямда, одамлар,
сиз кўнгил хушланг.
Ҳордигингиз ёзсин
елпиғич барглар,
фидолик деганда
сафи зич барглар.
Салқинларим сизга
берсин завқ, ором.
Чинор каби яшаш —
мен учун ҳаром.
Яшамоқ истайман
севиб,
севилиб...

1981

СВЕТОФОРНИНГ КЎК ЧИРОҒИ

Ўаршимда чорлови ям-яшил нурнинг
Дейдики: «Юра бер, йўлинг беҳатар».
Мен томон бостириб келар шофернинг
Кўзсизлиги лекин менга тиг отар.

Орзиқар юрагим, қалтирар оёқ.
Ортимга коптокдек сакраб тушаман.
Орадан талай вақт ўтар-ку, бироқ —
Титроқ чангалидан, нетай, бўшаман.

«Бу не нописандлик, — сўрайди ҳайрат, —
Кўк нурга, йўллари очиқ одамга?!
Наҳотки саришта, тартибли ҳаёт
Бебошвоқ кўринса қай бир нодонга?!»

— Шундайлар эмасми, — дейман,
баъзи дам
Сокин ўйларимга тошганча учуқ, —
Усмон Носир сўзин юлган бўғзидан,
Ойбек домламизни айлаган дудуқ?!

Шундайлар эмасми,
Нопок ва карахт
Кўнгил кўчасига бериб қўйиб эрк,
Ҳақ қарор топгунча,

Аллақанча вақт
«Ўтган кунлар» йўлин қилиб қўйган берк?!
Бу кабилар кўзга қадалган хаским,
Кўз очишга қўймас.
Айни бир пайтда

«Йўлларинг очиқдир», — дейдию кескин,
Қаршимда кўк чироқ ёнади қайта.

Одамлар, шу чироқ бизларникидир.
Ҳимояси учун турмоқ керак тик,
Токи кўм-кўклиги туширмай қадр,
Очиқ йўлларимиз бўлсин беҳадик.

1981

УМИД

Айни декабрда осмон булутсиз,
Айни декабрда чанглар, тўзонлар.
Далалар мунғаяр ёғинсиз-қутсиз,
Кўзга дарддай ботар дилгир хазонлар.

Яланғоч дарахтнинг ўзгарган туси,
Либос кутавериб «тикувчи»сидан.
Истеҳзо туюлар қуёш кулгуси,
Чиққанлиги боис маврид эсидан.

Қўшним, гап ораси, танқидга ўтар:
«Қилгани яхшийди қиш қишлигини.
Гоҳида ойлар ҳам насия этар
Нафининг ўзгага тегишлигини...»

Менинг руҳим эса ўтинмас имдод,
Қўшним ноласига эмасман шерик.
Кўзларимга нафсиз тушкунликлар ёт,
Юрагимда ширин умидлар тирик.

Январь бор этгуси қишнинг қишлигин,
Ёғинлар тошида бўлгуси залвар.
Кўрсатиб фидойи, серюмушлигин,
Декабрь хатосин тuzатар январь.

1981

БОЛАЛИК ЛАВҲАЛАРИ

Чидадим, паноҳим — меҳрибон қуёш
Ойлаб рухсорини кўрсатмай қўйса,
Чидадим, тўкай, деб, кўзларидан ёш,
Қаҳратон қиш юпун бағримни ўйса.

Чидадим, қаршимда чалганча қарсак,
Ҳар бир ҳужайрамга тўлса-да очлик.
Лекин чидолмадим, оддий бир нарса —
Одамгарчиликка сезсам муҳтожлик.

Ҳамон чидолмасман...

1981

ДИЁРИМ ҚИШИ

Борлиқ элигандай оромбахш куйдан
Сукунатга берган ихтиёрини.
Кечаги кийинчоқ дарахтлар шийдам,
Ечиб юборишган устда борини.

Кезар далада ҳам хотиржам бир руҳ,
Қўйни-қўнжин тўкиб солганлигидан.
Ўйлари осуда, ўйлари ёруғ,
Деҳқоннинг кўнглини олганлигидан.
Деҳқон у — тириклик атар тупроқни,
Кўнглин ўстирар ер, эгилган сари.
Билмайман: қачон у билган тинмоқни?
Унинг қанча экан иш соатлари?
Кун ўтар, кеч етар... ишлай берар жим...
Етук шеър бормикин бундай етукка?
Дилимда кечарки, топса иложин,
Боғлаб қўяр эди қуёшни кўкка.

Иложини топса, булутлар измин
Қўлга олар эди терим паллада.
Этиб кунни узун, қузакни узун,
Шунда ҳам тунаса керак далада.

Яхшиям қиш келар қорли-аёзли,
Истакларим пок деб оппоқ ҳаётга.
Иссиқ хоналарга ундаб у бизни,
Танаффус борлигин солади ёдга.

Оппоқ қиш руҳимга ором тутқизар.
Оппоқ қиш... Сокинлик... Яйрайди жоним,
Ахир андак бўлсин ҳордигин ёзар
Жон қадар суюкли Ўзбекистоним.

1982



Ҳаёт ғазал эмас.

У — сарбаст.

Гулдиракдир, шивирмас саси.

Сен мен билан бирга бўлсанг бас,

Эътиқоднинг нурли нуқтаси!

Мен уфладим, кўринса фириб,
Лекин қачон «уф»дан чиқолдим?!
Табрик этинг, мен сизни кўриб,
Ўз-ўзимга ўхшамай қолдим.

Фахр этсин, мендан қилсин рашк,
Сизни нечоғ севса-да адиб.
Ўтинаман, ўтинчимда ашк:
Сиз китобда юрмангиз ҳадеб...

1982

ХАЛҚИМГА

Кўзингда кўрсаму мунгдан бир зарра,
Бахтинг тўкис, дея солар бўлсам жар,
Кечирма, кечирма, кечирма сира,
Ярай олмас бўлсам корингга агар.
Улуш бўлолмасам муҳаббатингга,
Нафратинг нафрат деб этмасам талқин,
Меҳрингни дариг тут, кўм нафратингга,
Мени рўйхатингдан ўчиргил, халқим!
Сен дала бағрида куймаланган жон,
Халоват нелигин унутган юрак.
Йил сайин ортади уйганинг хирмон,
Ортар бўлишларинг бедор, жонҳалак.
Мен шу бедорликдан бўлмасам бедор,
Қуёш ушларкансан, изласам салқин,
Бекор, бекор, менга инсонлик бекор,
Мени рўйхатингдан ўчиргил, халқим!
Сўзингни айтмаса, бордир не маъно
Мен учун мўътабар, суюк қаламдан?!
Ўзинг берган эдинг, айлай қол жудо,
Сенга у агарда боқса баланддан.
Давр кўтаролмас авжи пастликни.
Давр юраклардан сўрайди ёлқин.
Байрогим билмасам ҳақни, ростликни,
Мени рўйхатингдан ўчиргил, халқим!
Сарин шабадаси юзга тегувчи
Нурафшон манзиллар ўзига чорлар.
Рўйхатларда бўлсин «юртим» дегувчи,
Рўйхатларда бўлсин номуси борлар.

1982

Мен қилмасман асло башорат,
Қилгувчига ихлосим ҳам йўқ.
Лекин тонгга қилиб ишорат,
Дейман: куним ўтади ёруғ.

Сизни кўрдим.

Кўрмоқ ўзи бахт.

Кўзларингиз олов нечоғлиқ.
Дерлар: бутун кунги кайфият
Тонгда кўрар кишингга боғлиқ.

Келардингиз қуёшга монанд,
Не иштиёқ,

не тугён бўлиб.

Ёруғликка, шавққа банду банд,
Зулумотга беомон бўлиб.

Кўрдим сизни...

Энди тантана

Қура олмас кўзимда армон.
Сизлар бор-ку имондан, яна —
Курашлардан яралган бир жон.

Мен қўрқардим бермаса деб ён
Қай бадликка қай бир эзгулик.
Омон бўлсин сиздаги имон —
Дунёларни қайта тузгулик.

Тан оламан:

таъсирчан руҳим

Кўп нарсага мунғайиб турар.

**Айтди дерсиз: бу тонг шукуҳин
У кун бўйи оғушлаб юрар.**

Десангизки:

**«Мунгга букма тиз,
Нурли қўшиқ оқсин тилингдан...» —
Эзгуликка ишонч бўлиб сиз,
Чиқиб туринг ҳар тонг йўлимдан.**

1982

* * *

Табиат ҳусндан қисган аёллар
Пардоз-андозлардан юпанч излашар.
Сиқиқ хоналарда ўсган хаёллар
Чексиз кенгликларни суйиб «сиз»лашар.

Табиат ҳусндан қисган аёлнинг
Тилида энг гўзал хониши ҳам бор.
Сиқиқ хоналарда ўсган хаёлнинг
Кенгликларга монанд ёниши ҳам бор.

1982

КАЛИНИННИНГ ЯЛАНГОЁҚ БОЛАЛАРИ

Музей.

Экран.

Йигирманчи — тошқиниб-куйиб

Менинг бахтим яратмоққа уннаган йиллар.

Тинганларни ўзи томон қаратиб қўйиб,

Сўйлар,

ўйлар,

чопар-елар

тинмаган йиллар.

Калининнинг кўзларида мен севган ташвиш:

Ночор деҳқон арзин кимдир четга сурибди.

Калининнинг бир бошида минг ўй жой топмиш.

Уйда эса...

Болалари яланг юрибди.

Лол қоламан.

«Оқсоқолсиз, — дейман жонҳалак, —

Бўлмасмиди бирон шиппак олиб берсангиз...»

Менинг худбин ўйларимни этиб чархпалак,

Тушар деҳқон уйи томон кирзасидан из...

Экран мени фош этади беимо, бесас.

Хижолатдан олланаман, сезиб хатомни,

«Узр, — дейман, — ялангоёқ фарзандни эмас,

Сиз ўйлабсиз ялангоёқ, юпун Ватанни.

Ишонаман.

Деярдингиз, тирик бўлсангиз:

Орзудан ҳам зиёда қулф урибди Ватан!

Эй беминнат, фидойи зот, агар билсангиз,

Сиз кабилар елкасида турибди Ваҳтан!»

1982

Биласан: ёринг — гул, малоҳат.
Унингсиз толеинг толемас.
Билмассан: қайсидир тароват
Қайсидир нуқсдан холимас.

Биласан: ёрингдан озорлар,
Ва сендан бардошлар даркордир.
Билмассан: озорли бўлса гар,
Муҳаббат бекордир, бекордир.

Йўқолар мендаги чидам-дош
Сендаги кўр севги, тўзимдан.
Фурсати келиб сен тўкар ёш
Оқмоққа шайланар кўзимдан...

1982

Тумор бўлсин, дея, мадор бўлсин, дея
Мен унга севгимнинг хатин берарман.
Юрган йўлларида ифор бўлсин, дея
Шеъримнинг оҳори, атрин берарман.
Миниб юрсин учун чарчоқ маҳаллари,
Умримнинг энг чайир отин берарман.
Тарк этмасин, дерман, ҳаёт баҳорлари,
Ешлигим эҳтирос-тотин берарман.
Берарман неки бор эркимдан бўлак,
Эркимни сўраса... додин берарман...

1982

* * *

—Ая, ўзбеклар ким?
(Қизим берган савол)

— Ўзбек — сен, болажон, «сўзланг»
деб айтар
Халқингнинг Широқдай фидоларидан,
Ўзбек — мен, онангман, машқига қайтар
Буюк Навоийнинг наволаридан.
Ўзбек — дадажонинг — топгувчи илм
Улугбек забт этган самоларидан.
Ўзбек — уканг сенинг — яйраган дили
Самарқанд, Бухоро даҳоларидан.
Айтмабмидим сенга ақли ер юзин
Истило айлаган Синоларидан,
«Ўзига ўзи хон, ўзи бек» сўзин
«Ўзбек» бўлган ихчам иншоларидан?
Айтиб бермабмидим не босқин, фириб
Утиб келганларин дарёларидан,
Гоҳ араб, гоҳ лотин номида юриб,
Қалбан ўзбек бўлган имлоларидан?
Едга ол гоҳ ўйнаб, ўйланишинг гоҳ
«Чертмак»у «Муножот» садоларидан.
Этмаган бўлсам гар, этайин огоҳ
Дунёга бергусиз дунёларидан.
Эгик қад деҳқонин ғурурлари тик
Пахта деб аталган тиллоларидан,
Йигитларин дерлар «ишқдан яралган»,
Ёру диёрига вафоларидан.
Қизлари фаришта, қизлари малак
Малоҳати, иффат-ҳаёларидан.
Қизим, сенга қараб, дод, дегим келди
Ўз-ўзин билмаслик хатоларидан.

1982

Осмон сиёҳ,
Юлдузлар талай.
Ер бенасиб нурларда ўйин.
«Хайр», — дедим.
Менга, ҳарқалай,
Мубҳам эмас, нур керак тайин.

Қаердадир ухлайди шамол,
Шамоллигин олмасдан ёдга.
«Хайр», — дедим.
Мен учун, алҳол,
Тугён керак ундовчи олдга.

Нимчорак ой — бандсиз ўроқни
Илиб олган бошига терак.
«Хайр», — дедим.
Менга юракнинг
Чаппар урган ҳамроҳи керак.

Айтиб бўлдим хайр-хўшларим,
Уйқучан тун бандаси, сизга.
Салом, тонгги, серзавқ қушларим,
Мени қўшинг сафларингизга.

1982



*Бу ҳаёт бахтини бирликда, дерман,
Амуликда, дерман, Сирликда, дерман,
Бирлик мевалари ҳурликда, дерман.
Улкан куч бўлмасанг яшамоқ маҳол.*

Баҳор бор санъати, ҳаваси билан
 Шийдам боғимизни бодроқ гул этса,
 Қиш юқи энг сўнгги ҳамласи билан
 Оппоқ нафосатни қақшатиб кетса —
 Ачишган юрагим кўчар далага,
 Ниҳолликда сўлган оппоқ толага.
 Толамас, у ахир юртимга толе.
 Уйлайман, не кечди пахтакор ҳоли?

Баҳор ҳаммаёқни кўм-кўкляб қўйиб,
 Кўрсатмоққа тушса булут ҳунарин,
 Серҳафсала ёмғир ёгсаю тўйиб,
 Ва яна билмаса қачон тинарин —
 Зиқ бўлган юрагим кўчар далага,
 Ниҳоли ёш тўккан оппоқ толага.
 Толамас, у ахир юртим жамоли.
 Уйлайман, не кечди пахтакор ҳоли?

Бўрон деразамни тарақлатганча,
 Пардасини юлқиб, тортқилай кетса,
 Шох-шаббалар синиб қанчадан-қанча
 Қай дарахт тагидан шарт қулай кетса —
 Чирпирак юрагим учар далага,
 Ниҳоли топталган оппоқ толага.
 Толамас, у халқим лабзи-ҳалоли.
 Уйлайман, не кечди пахтакор ҳоли?

Ез келса қуёшни мустабид этиб,
 Узин азиз қилса шамол-дарбадар.
 Қуёш илтифотдан талтайиб кетиб,
 Қиздиришга тушса сояга қадар —

Ҳарсиллаган хаёл кўчар далага,
Шохлари шалпайган оппоқ толага.
Толамас, у ўзбек қадди-камоли.
Ўйлайман, не кечди пахтакор ҳоли?

Қуёш кўрмоқдаки, ўт пуркаса ҳам,
Пахтакор кетмайди даласин ташлаб.
Қуёш чарчаб қолар.
Бепарво, беғам —
Шамол булутларни келади бошлаб.
Сесканган ўйларим кўчар далага,
Сутдай тошиб турган оппоқ толага.
Толамас, у халқим ўйи-хаёли.
Ўйлайман, не кечди пахтакор ҳоли?

Толиқиб бесамар, ҳорғин ўйлардан,
Отланиб қоламан далалар томон.
Деҳқон чарчоқданмас, ишдан сўйларкан,
Кўраман: пахта деб қадди ёй ҳамон.
Эгик қад деҳқоним, ҳузурингиздан
Қайтар хаёлларим лекин қад тиклаб.
Юрибсиз чарчоқни итқитиб кўздан,
Ўзбек ифтихорин хирмонга юклаб.

Сиз — меҳру муҳаббат, олов ҳисдансиз,
Сиз — тиним билмаган Ўзбекистонсиз!

1982

АЁЛ

(Рисолат)

Бир пайтлари кампир ва чол
Ўт чақнаган ёш экан.
Чол — йигиту суқсур мисол,
Кампир париваш экан.

Айланишгач жуфт ошиққа,
Совутмайин ошларин,
Икковлари бир ёстиққа
Қўйишибди бошларин.

Куёв дебди:

•Узимизни

Синаб борсак ҳар нафас.
Биздан фақат виждон изми,
Рўйи ростлик бўлса бас.

Тойилсаю қинғир ишга,
Ким агарда урса қўл,
Яширгани қутисига
Битта гуруч солсин ул...»

Келин рози.

Қўшалоқ йўл
Шундай давом этибди.
Орадан гоҳ ўтмаса қил,
Гоҳи мушук ўтибди.

Қора кунин ичга ютиб,
Йўйибдилар пуштига.
Яшабдилар елка тутиб
Турмушнинг зил муштига.

Иссиғи бор, совуғи бор
Қанча йиллар ўтибди.
Сирли икки қутичани
Очмоқ пайти етибди.

Кампир тутган қутичада
Битта гуруч бор эмиш.
Чолники бўш.
У талтайиб,
Таънани бисёр демиш:

«Сиз, аёллар, бевафосиз,
Бетийиқсиз ҳар ишда.
Сизнинг зотдан чиққан эмас,
Чиқмас сира фаришта...»

Кампир дермиш, чимириб қош,
Чоли қилган хуруждан:
«Куни кеча дамловдим ош
Сиз тўплаган гуручдан...»

Андак қувноқ, андак хазин
Хаёллар бу, хаёллар.
Не бўлмасин, сизга таъзим,
Эй фаришта аёллар!

1982

Билмадим,
узун кун «чоп-чоп»иданми,
Нимжон вужудимнинг интиқоми ё,
Оқшом ундашлари — хитобиданми,
Ҳайрат-ҳаяжоннинг тинди қони ё —
Мен ухлаб қолибман...

Балки элитгандир қўшиқчи қизнинг
«Бахтлиман!.. Бахтлиман!..»

— деган овози.

Ё уйқуга мойил этдим кўзни
Оҳанг тилидаги таъзим-тавозе —
Мен ухлаб қолибман.

Менга керак эди исёнкор кўкнинг
Қора тунга отган юлдуз-ўқлари.
Менга керак эди сой-югурикнинг
Сукутдан норизо ҳайқириқлари... —
Мен ухлаб қолибман.

Кўзларим нафратин тўкмоқчи эди
Риё, хиёнатни яширар тунга.
Сен — макр, алдоқлар ҳомийси, дердим,
Сен — умр ўгриси, деярдим унга... —
Мен ухлаб қолибман.

Дўстлар, билмай қолдим: қай бир муҳаббат
Қай бир хиёнатдан қон-қон бўлганин.
Дўстсурат, ёвсийрат фирибгар ғафлат
Менга, мендайларга хоқон бўлганин.
Мен ухлаб қолибман.

Менга керак эди мудроқ атрофга
Ачиниб кўз тиккан бедор ақллар.
Дуч келсам шундайлар бошлар шитобга,
Менинг кўзларимга тўлар чақинлар.

Улик, ўлик ўтди неча соатлар —
Мен учун ҳеч қайтмас умрим парчаси.
Улар ошкор бўлмай қолган нафратлар,
Айтилмаган сўзим — улар барчаси.

Бас, етар гафлатга эгмаклик бўйин,
Кўрлик, нодонликка бермаклик изн.
Шафақлар уфқда бошларкан ўйин,
Шошиб уйғотаман ўғлим ва қизим...

1982

КУБА БЕРГАН САТРАЛАР

(Туркум)

* * *

Қорамағиз Куба, сенга
Хаёлларим бойланди.
Янги сўзга ташна қалам
Жазманингга айланди.
Марти сени инқилобга
Ургатганин билардим.
Инқилобчи кўзларингни
Кўпдан орзу қилардим.

Билар эдим: дардларингни
Ювар Гильен шеърлари.
Шу шеърлардай дилбармикин,
Дердим, Куба ерлари.
Сеҳрланиб мен Фиделнинг
Ениқлиги, ақлидан,
Сўз тингламоқ хоҳлаб қолдим
Нотиқ Куба ақлидан.

Очкўз наҳанг ёнгинанга
Шай тураркан талонга,
Уз кўзим-ла боқай, дедим
Сендай митти полвонга.
Тотай, дедим,
Мен атайин —
Утиб наҳанг ёнидан,
У сенга кўп кўрмоқ бўлган
Озодлигинг нонидан.

Наҳанг ҳақгўй қўлларингни
Синдирмоққа ташна чоғ
Мен қўлларинг сиқиб,

Сенга
Очгим келди кенг қучоқ.
Бир бор кўрдим.
Лекин шеърда
Сенга кўп бор қайтарман.
Бир бор кўрдим,
Кўрганларим
Умрим бўйи айтарман.

1982

Мен ҳеч қачон кўрмаган фусун
Юрагимга шитоб йўл солар.
Не тонг, Куба, сени кўриб, сўнг
«Жаннат» сўзин топган бўлсалар.

Мен ўзбекман. Қай бирин айтай —
Тўкинлигим, ўз бойлигимдан?!
Лекин кўзим узмасам нетай,
Куба, сендай чиройлигимдан.

Ифор тутар агроф димоққа.
Кузги бағринг баҳордай яшноқ.
Уйга қайтгач, кўз-кўз қилмоққа
Бирор баргинг узмадим бироқ.

Қирғоқдаман. Уммон мавж урар,
Унга боқиб, тўлдим туғёнга.
Лекин, Куба, ақалли бирор
Чиганоғинг солмадим ёнга.

Мен сўз бурсам шакарқамишга,
«Кўрсатинг», деб қолар-ку қизим.
Лекин андак қирқиб олишга
Мен ўзим-чун бермадим изн.

Куба, борки бойлигинг, кўркинг
Тегиш бўлсин фақат ўзингга.
Мен юртимга қайтарман, эркинг
Суратини жойлаб кўзимга.

1982

ФИДЕЛЬ, СИЗДАН ШЕЪР ҚАРЗДОРМАН

Фидель, сиздан шеър қарздорман —
Нотиқлигингиз учун.
Лекин фақат шунинг учунгина эмас.
Мен кўрганман не-не сўзамолларни.
Дейликки, берарлар гўзалликдан дарс,
Ҳайратларга солиб,
Маҳлиё қилиб...

Лекин ўзлари-чи пана-панада
Гўзаллик номусин ўғирлайдилар,
Гўзаллик бетига чаплайдилар лой,
Бебаҳо қадрини этарлар тийин.
Осон чоғи тилни ваъзга чоғламоқ...
Лекин ўзни имон, гўзаллик, поклик —
Хизматига чоғлаш экан хўп қийин.

Фидель, сиздан шеър қарздорман —
Халқим, дейишларингиз учун.
Лекин фақат шунинг учунгина эмас.
Зеро, Саадат ҳам «халқим» деганди,
Рейган ҳам «халқим» демоқда.
Дейишда ҳам дейиш бор,

Фидель.

«Халқим» дейишса-ю, таржимаи ҳол
Тўла борса фақат ўзни ўйлаш билан,
Газеталар чиқса,
Мажлислар бўлса
Ёлгон-яшиқларни элга сўйлаш билан,
Эфир тўлқинлари кунни кеч қилса
Энсани қотириб,
Бошни огритиб... —
Ундай президентнинг аҳволига вой.

Сиз эса луқмайи 'ҳалолингизнинг —
Тер тўкиб топган ул маошингизнинг
Катта улушини даранг-дурунгсиз
Халқнинг ҳамёнига солар экансиз,
Виллаларда эмас,
Деҳқон чайласида,
Ишчи кулбасида,
Солдат ёнида
Одмигина тунаб қолар экансиз,
Халқ ҳам меҳр тутар меҳрингиз учун.

Сизнинг кимлигингиз газетадан эмас,
Ўзингиздан билиб,
Ўзингиздан таниб,
Ўзингиздан топиб,
Мамнун одамлар
Уйин эшигига ёзиб қўйганди,
Тенгқурин, сафдошин чорлаган каби:
«Менинг уйим, Фидель, сенинг ҳам уйинг».

Дедилар: бадавлат бир хонадоннинг
Фарзанди экансиз, каму кўсти йўқ.
Лекин кўргандингиз: она Куба оч,
Она Куба юпун, қарам, хизматкор...
Мен шоҳиди бўлдим: мунис онанинг
Халоскори бўлиб,
Мадори бўлиб,
Қайтариб қўйибсиз гўзал ёшига...
Шундай бўлсин, зеро, эл ўгли бўлса!

Фидель, сиздан шеър қарздорман!

1982

ҚАДИМИЙ КУБАЛИКЛАР АЙТГАН ҚҰШИҚ¹

Она денгиз, сенга биз «оҳ», деб келдик,
Тубсиз, тилсизлигинг паноҳ, деб келдик,
Ёвга тилло тутмоқ гуноҳ, деб келдик,
Олақол, боримиз буюрсин сенга.

Ўзгани чорловчи ғаламис бўлса,
Кўз ёшимиз бўлса, ноламиз бўлса,
Биз ўзимиз топган баломиз бўлса,
Олақол, боримиз буюрсин сенга.

Зебсиз қолса қолсин аёлларимиз,
Ўксиб толса толсин хаёлларимиз,
Агар бўлса эрка заволларимиз,
Олақол, боримиз буюрсин сенга.

Яшаб ўрганганмиз биз омон-омон,
Кимгадир қарамлик — ҳаммадан ёмон,
Сен бизга эш эдинг, дўст эдинг, уммон,
Олақол, боримиз буюрсин сенга.

Излаб-излаб, ёвлар хўп заҳил бўлсин,
Халқ борки, мустақил ва аҳил бўлсин.
Ватани, бойлиги бедахл бўлсин,
Ол, денгиз, боримиз буюрсин сенга.

1982

¹ Куба қирғоғида «Хазиналар ороли» деб аталувчи жой бор. Испан босқинчилари дарагини эшитган ерли халқ бойлигини шу ерга келтириб ташлаган экан.

ҚАБРИСТОНДАГИ УЙЛАР

*Кубаликлар Колумб номини қабристонгагина
қўйган эканлар*

Куба оролини кашф этган Колумб,
Кўриб қўй дунёнинг терс ишларини.
Сира ўйловмидинг, бир вақтлар келиб
Номинг қабристонга қўйишларини.

Тортиқлар, олқишлар, ёрлиқлардан маст
Юраркансан қирол илтифотида,
Хатто тушингга ҳам кирмагани рост
Шу асно қолишинг Куба ёдида.

Айтгил, ўз-ўзига хону бек элни
Сен тушовлаб бергач безиё тунга,
Қай иншоси бўлсин бундай такмилнинг?!
Қай ёдгор мос тушсин кашфиётингга?!

Севгига севги-ю, жабрга жабр...
Бу — шундай ўлчовли, қайтимли олам.
Сен орол эркига қазгандинг қабр,
Қабрдан жой тегди ўз номингга ҳам...

1981

* * *

Улуғлаймиз қуёшни беҳад,
Атаб уни халоскоримиз.
Сендан, деймиз, ердаги ҳаёт,
Сендан, деймиз, йўғу боримиз.

Қуёш боқиб узоқ-узоқдан,
Тинглай берсин мадҳиямизни.
Унинг билан ёндош турмоқдан
Лекин тақдир асрасин бизни.

1982

Хаёлларинг иситмасам,
Озорларинг тўзитмасам,
Ағёрларинг ўкситмасам,
Ёр эмасман, ёр.

Майлим менинг бир ён қолса,
Нолон қолса, гирён қолса,
Юрагимда армон қолса,
Ёр эмассан, ёр.

Кўзларимиз беёш бўлур,
Дилимизда бардош бўлур.
Муҳаббатни йўлдош билур —
Ёр бўлармиз, ёр.

1982

ФОЖИА

(«Ҳайвонот оламида»
телекўрсатувини кўриб)

Номинг билмасам-да,
Жажжи қушгинам,
Меҳринг кўриб, сени қолдим ёқтириб.
Инингда ўзгача тухум турса ҳам,
Ташлаб юбормадинг сен улоқтириб.

Билмасдингки, уни қолдирган какку.
Билмасдингки, какку қанчалар айёр.
Ўз кучи, ўз кўкси бўла туриб, у —
Заҳматдан безору роҳатга тайёр.

Сен, наслинг қатори,
Ўзимники, деб,
Какку боласига кўрсатдинг меҳр.
Ахир яшар эдинг ҳаёт гамин еб,
Фақат эзгуликни ўйлардинг ахир.

Тухумдан барвақтроқ чиқди каккуча.
У кўз қароғларинг ташлади суриб.
Ризқу рўз дардида сен уча-уча,
Кўрмадинг: кимдандир бу аччиқ фириб.

Какку оғзин очар.
Сен ҳам парвона.
Емиш тутқизасан. Муҳаббатинг чин.
Қушгинам, у сенга буткул бегона.
Сенинг ўз зурёдинг
ерда чилпарчин.

Мунис она қушим, бу қандай гўрлик?!
Наҳот қулоғингга етмаса наърам?!

...Сенда эса, афсус, ўша сўқирлик,
Афсус, ўша-ўша саховат, карам...

Экрандан кўз олиб атроф ёқларга,
Юрак, кўрганларинг дарди билан боқ.
Замин кўксидаги мазлум халқларга
Бу ҳам бир ишора, бу ҳам бир сабоқ...

1982



*Сўзлар бўлса ғунча кўзидаги ёш —
Оппоқ тонгга бўлган соғинчларидан.
Сўзлар бўлса ёшни артгувчи қуёш,—
Нур ичирар қуёш ҳовучларидан.*

Борар икки йўловчи.

Бирининг қулоғига

Шеър ўқийди гуллар, қўшиқ айтади еллар.

Қуёш табассум расмин чизади яноғига,

Қалбига орзу бўлиб кирар беором йўллар.

Борар икки йўловчи.

Бошқаси мотамсаро

Ҳамроҳининг юзига кўчган сурур базмидан.

Афсус, бебаҳра эди, қолиб у ҳасад аро,

Ҳофиз еллар қўшиғи, шоир гуллар назмидан...

1982

Ортадаги йилларим: булутлар —
Қуёшни тўсгувчи,
Руҳимни эзгувчи —
Нобакор, нодўст, дер эдилар.
Ҳозирги йилларим: булутлар —
Ҳам сукут, ҳам исён,
Ҳам сийлов, ҳам армон,
Ҳам меҳр, ҳам қаҳр, дейдилар.
Ортадаги йилларим, осмонни
Қуёшга тўйинган,
Эътиқод қўйилган
Бахт йўли, парвоз, деб эдилар.
Ҳозирги йилларим, осмонни
Ҳам йўқлик, ҳам борлик,
Ҳам кенглик, ҳам торлик,
Ҳам офтоб, ҳам сароб, дейдилар.
Булутлар қалбини англаган бўлсам,
Осмонни таниган бўлсам тугалроқ,
Ташаккурим сизга, ортадаги йиллар!
Ҳозирги йилларим, сизларга эса
Менда нима борки, арзигулик у:
Таъзимми,
 шеърми,
 ҳайратми,
 гурур,
Бўсами,
 оромми,
 беором умр..
Қўш қўллаб, шодланиб тутгим келади...

1982

Деҳқон қўлин тафти ёдидан чиққан,
Ариқ сувин тоти ёдидан чиққан —
Шийдам тепаликдан боғ очмоқдасиз.
Ҳозирча у ўтлоқ, ҳозирча у қумлоқ,
Қамишли ариққа туташ этаги.
Меҳнат-муҳаббатга зор ерингизнинг
Билган ҳақиқати, билган эртаги —
Ўзини ўйловчи ажриқлар ақли,
Ўзини куйловчи қамишлар нақли.
Ажриқ чопмоқдасиз,
Қамиш чопмоқдасиз,
Юлиб отмоқдасиз ер касаллигин.
Иллатни суғуриш осонмас лекин.
Ажриқ илдизлари, қамиш илдизлари
Чангаллаб еб ётар ернинг эт-этин.
Сиз ҳам сурбетларни қийратиб бетин,
Чанг ютиб юрибсиз соғлом ер учун.
Бир-бири йўлларин тўсган илдизлар,
Ҳатто ўзин ёнлаб, ҳатто ўзин босиб,
Ҳатто ўзин тешиб ўсган илдизлар
Сизнинг ҳам кучингиз сўрмоқ бўлади.
Ажриқлар, қамишлар қанчалар ўчли,
Ҳокимлик истаги нақадар кучли!
Ҳаёти шу асли мевасизликнинг.
Худбинлар бўлади шундай ҳужумкор.
Шулар емоққа шай экинлар бахтига
Яхшиям сиз каби фидоийлар бор!

1982

Уғлим, тақдим этдим сенга кўп китоб,
Мультфильм кўрсатдим овқат чоғида.
Ҳатто кўзларингни тўлдирса ҳам хоб,
Ултирдинг кинолар иштиёқида.

Ажаб феъл-атворли бўларкан одам...
Жавоб изла, демай ўз сўроғингга,
Бир ёқда мен ўзим, бир ёқда даданг...
Қанча сўзни қўйдик биз қулоғингга.

Тинглашдан тинмадинг,
тинмадинг сира,
Сўз айтди ҳаттоки япроқ, болажон.
Биламан: ўйлашдан,
сўйлашдан кўра
Эшитганинг бўлди кўпроқ, болажон.

Бўй чўзиб қолибсан бу кунга келиб,
Бир ҳадик дилимда кўндаланг, қўзим.
Шунча кўп сўзларнинг ичида қолиб,
Йўқотмасмикансан ўз айтар сўзинг?!

Осмон осмонлиги — бағри бутлиги,
Қуёш, ойи билан, юлдузи билан.
Инсон инсонлиги — қалби ўтлиги,
Ўз ақли, ўз шавқи, ўз сўзи билан...

Айлан, болажоним, сўзни сержаранг,
Мисли оҳанрабо этувчиларга.
Онанг кўниколмас «раҳмат» сўзин ҳам
Қоғозига қараб айтувчиларга.

Кўзларингда турсин ҳайрат сурати,
Сўзларингдан топай меҳр тотини.
Биласанки, онанг ёмон кўради
Чингиз оғанг ёзган манқурт зотини.

Уғлим, хаёлингда тиниқ осмонинг,
Тиниқ осмонингда жуфт кўзинг бўлсин.
Парвоз этмакликка борки имконинг,
Қўшиқ куйламоққа ўз сўзинг бўлсин.

1982

Кўз ўнгимда оламнинг
Тўй либосин кийгани,
Сўзимдан дард — ноланинг
Қувғин бўлиб куйгани,

Қувониб сўзлашларим
Шеъргами ё куйгами —
Сен туфайли, муҳаббат,
Эй, чиройли муҳаббат!

Кўрарканман изимдан
Орзумандим чопганин,
Мен ўксиган ҳуснимдан
Қониқишлар топганин,

Бахт уники бўлди, деб,
Оҳ ургани кўп ғаним —
Сен туфайли, муҳаббат,
Эй, чиройли муҳаббат!

Ернинг таянч нуқтаси
Қайдалигин билар ким?
Топмоқ бўлиб,

муттасил —

Тунни тонгга улар ким?

Топдим, десам, севгидан,
Ким кулиб,

лол бўлар ким,

Эй чиройли муҳаббат,
Қуёш, ойли муҳаббат!

Қуёшингда исиниб,
Ойингда юз чайман.
Бахтнинг тоти, исини
Қалбдан қалбга ёяман.
Бўйингни кўрсатмоққа

Бир ўзим кифояман,
Эй басавлат муҳаббат,
Менга давлат муҳаббат,
Менга жаннат муҳаббат!

1982

Илтимос, ундаманг мени сўзлашга,
Райим-хоҳишимга ўтказманг ҳукм.
Майлим йўқ, билсангиз, «сен»ни «сиз»лашга.
Сўнг ортиб юрмоққа изтироб юкин.

Тил келмас дилимдан чиқмаган сўзга,
Етилмаган менда сизга ёқар гап.
Мени алдамоғи осондир ўзга,
Лекин яшолмасман ўзгани алдаб.

Кимнидир тинглашдан безганимдай гоҳ,
Мени ҳам тинглашдан безмасин қай ким.
Сўзлар бўлса, дейман, бемор айтар «оҳ»,
Сўзлар бўлса, дейман, Луқмони Ҳаким.

Сўзлар бўлса ғунча кўзидаги ёш —
Оппоқ тонгга бўлган соғинчларидан.
Сўзлар бўлса ёшни артгувчи қуёш —
Нур ичирар қуёш ҳовучларидан.

Кулиб кириб келган париваш қиздан
Хонада қолгандай муаттар бир бўй,
Қолишин истайман айтилган сўздан
Руҳни янгиловчи не туғён, не ўй.

Илтимос, ундаманг мени сўзлашга...

1982

Дедингиз: «Ташаккур, қувончим, эркам,
Ҳаётнинг сен каби илтифотига».

Мен шундай қолайки,

Деманг сира ҳам:

«Қирон келган эмас аёл зотига».

Дедингиз: «Не афсус, топдим сени кеч.

Сен билан ўтгувчи кунларим тенгсиз...»

Мен шундай қолайки,

Бахтим, деманг ҳеч:

«Отаверар эди тонгларим сенсиз...»

Дедингиз: «Сен менга севгидан эҳсон.

Билсанг, фақат сенга кўнглимни қўйдим».

Мен шундай қолайки,

Деманг ҳеч қачон:

«Тўйдим муҳаббатинг, борингдан тўйдим».

Дедингиз: «Иқрорим, севги хаққи, чин.

Шу мунис кўзларинг учун яшайман».

Фақат мана шундай дейишлар учун

Мен ҳам бор умримни бермоққа шайман...

1982

ҶОДИРИЙНИНГ СЎНГГИ ХАЁЛЛАРИ

Машраб ким?

Биз учун беш қўлдай аён:

Инсоф, адолат деб юрган дарбадар.

Уни остираркан ақобир-аён.

Осий, девона, деб тарқатди хабар.

Улуғбек — ўзбекнинг кўксидаги тоғ.

Кўк унга, у кўкка бахшида, эҳсон.

Лекин ул даҳонинг бошин олар чоғ

Қўйдилар минг бир айб, минг битта

нуқсон.

Отилди не-не тош — турфа маломат

Даврига сиғмаган буюк зотларга.

Бу — қай надомату, бу — қай адолат:

Авлодлар кўмишди илтифотларга.

Сира хор бўлмагай фидойи тақдир.

Буюк бахшидалиқ қолмагай ерда.

Кечанинг хатоси — бугунда таҳрир,

Бугуннинг ёлғонин фош этар эрта.

Мамнунман, олдиндан кўриб ўртада

Қора — қоралигин, оқнинг оқлигин.

Лекин алам қилар ўшал эртада

Менинг бўлмаслигим, менинг йўқлигим...

1982

Устоз, кўраркансиз иқболимни бут,
Мақтовин излайсиз ёзганларимдан.
Қай сўз маънос турса, тунд бўлса ёхуд,
Сўзлайсиз норасо созланганимдан.

Дейсиз: «Не кунларни кечирган — бизлар.
Бизлар-ку қирғинлар ичида юрган...
Сиз эса... йўқ ердан дард излайсизлар.
Сизнинг қирқ ёшингиз нени ҳам кўрган?!»

Ҳақсиз. Рад этмоққа, устоз, йўқ ўрин.
Кўрганларим — урвоқ.
Билганларим оз.
Лекин сиз сақлаган оқ кунлар умрин —
Дардида бўлсам гар, айбми, устоз?!

Инқилоб берган бахт беўлчов. Аммо
Инқилоб этмасми давом ҳар маҳал?!
Асрлар ечмаган тўп-тўп муаммо
Ўн йилларда буткул бўлмагандир ҳал?!

Гоҳи доно қолиб, нодонлар тўрда,
Гоҳи лаганбардор қилинар эъвоз.
Дард билан ёзмасам шуларни шеърда,
Мен учун шоирлик ҳайфмасми, устоз?!

Кичрайса қай йигит қалбида вафо,
Оппоқ қоғозимни қора гард босар.
Тарк этмоқчи бўлса қай қизни ҳаё,
Мени қайғу босар,
Мени дард босар.

Қон кечган отаси нишонин тақиб,
Мен тенги қай йигит келса баланддан,
Айтингиз, қай йўсин кетмай тутақиб,
Қандай ажратайин мунгни қаламдан?

Кўраман: истейдод улуғ ишга ром.
Кўраман: закосиз чоқ қазир унга.
Биз ўз бахтимиз-ла юрсак андармон,
Истейдод тушмасми қопқаро кунга?

Қўшним бор — «коммуна» дегувчи ҳар вақт.
Шунчалар худбинки, билсангиз ичин.
Дашном нечун устоз, чекар бўлсам дард
«Коммунизм» сўзин поклиги учуғ?

Гап кўп, айта берсам...
Яшаб бахт ила,
Ўзимча егайман бу ҳаёт ғамин.
Нетайки, ҳам бахти, ҳам дарди ила
Менинг юрагимда айланса замин...

1982

* * *

Денгизман, сукутга талабгор бир жон,
Майлим бўлган эмас озор ҳеч қачон.
Кўкка сапчирмидим, қайдандир келиб,
Агар асабимга тегмаса бўрон...

1982

ЯНГИ ЙИЛДАН ИСТАКЛАРИМ

Онажоним айтардилар: «Яхшими, ёмон,
Не кун бўлсин, яхши қилгил, болам, ниятни.»
Янги йилнинг ташрифи-ла бўлгил, деб омон,
Олқишлагим келаётир башариятни.
Оппоқ қорли, қувончлари расо қиш келсин,
Халқлар, сизга кунларингиз осойиш келсин.
Улкан юртнинг ташвиши ҳам бўлгуси улкан,
Улуғ Ватан, ҳорма, ўйлаб дунё тинчини.
Заҳмат сендан, фахр мендан, барчиной ўлкам,
Нигоҳингда кўрмай сира дил ўкинчини.
Карвонбошим, кунлар ёруғ ва бахтли келсин,
Кўз тикканинг ҳар бир лаҳза фараҳли келсин.
Ўзбекистон, олмос кўзим олтин узукда,
Ўзбекистон, беҳаловат, куйгунчак алпим,
Сен — миллион ташвиш, ҳадик ҳар йил кузақда,
Сен — қиш, баҳор, ёз бўйича беором қалбим.
Фарзандларинг номусга бой, саркаш тилайман,
Куйчиларинг маддоҳ эмас, дардкаш тилайман.
Оппоқсоқол отахонлар, бир қўлда асо,
Пахтам, дея пайкалга сиз эгилар онда,
Тик тургазиб, бергим келар виждонга сазо,
Бўлмас экан олдингизда, қаторда, ёнда.
Кузак чоғи ҳаво танти, аломат келсин,
Янги йилда, ота, сизга ҳаловат келсин.
Бувижонлар — уйимизга файзу фаришта,
Бувижонлар — набиранинг суйгун алласи.
Кўрмай, дейман, сизларни ҳам сира ҳоришда.
Тўрда ўтсин умрларнинг оқ шом палласи.
Остонадан фарзанд кирсин, ёруғлик кирсин,
Қаҳри қаттиқ аламлардан фориглик кирсин.
Бахтимизсиз, сариштаю саранжом она,

Не кечарди, билмам, сизсиз бу замин ҳоли?
Қиш кўрпасин ёйибди-ку, қаранг, жон она,
Бир пасгина ҳордиқ берсин ул пахта — толе.
Айтасизки: «Оқлик керак ҳаётга кўпроқ.»
Шошмай турсин сочингизга қўнмоқ бўлган оқ.
Дугоналар, сингилларим, пардозини ҳам
Даласига, пахтасига алмашган жонлар,
Давраларда юртим боши бўлмасин, деб ҳам,
Нозик қад-ла заҳмат билан беллашган жонлар,
Янги йилдан янги бахту ҳусн сўрайман,
Умрингизнинг йўлларини узун сўрайман.
Сиз, эй йигит, дилраболар ёнида тоғсиз.
Сиз — моҳитоб кўзларида чарақлаган нур.
Хаёл асти кечармикин ширин титроқсиз,
Борлигингиз ўзиданоқ биз топсак ҳузур.
Юрт кўрмасин сафдан чиққан турнасин сира,
Аёл кўнгли бўм-бўш бўлиб турмасин сира.
Болажоним, вазминлик бор бола кўзингда,
Қўлларингни улкан ишга боғлиқ туяман.
Уқиш чоғи сени кўриб дала-тузингда,
Юрагимда бир энтикиш, оғриқ туяман.
Янги йилинг, болажоним, осуда кўрай,
Орзулисан. Сени китоб, орзуда кўрай.
Қорлар ёғар. Яйраб-яйраб ўйна қорбўрон.
Деразадан боқиб: «Ўзим ўргилай» дейин.
Юракларга оқиб кирсин ёқимли сурон.
Шундагина катталарнинг тинчлиги тайин.
Куйлаяпмиз. Қувончлари бутун йил келсин,
Тинчлик келсин! Иқбол келсин! Муттасил келсин!

1983

Мажнунтолман,
садоқатнинг
Қўли билан экилган,
Тупроғида тиклаб қадни,
Тупроғига эгилган.

Йўқ, мажнунтол эмасман, йўқ,
Чалма вафо куйин, боғ!
Кўряпман: тол бетийиқ
Шамолларга ўйинчоқ...

1983



*Яна баҳор келди, соғинчли баҳор,
Муҳаббат сўзидай дилбар ва ширин.
Бўртма куртакларда саховат бисёр,
Уқиб қолдимикин дўстларим шеърин.*

ДАХЛДОРЛИК

Йигит, садоқатда сен бўлиб собит,
Қиз кўзида ҳадик турса йўқолмай,
Бу — севги суратин эмаслиги бут,
Менинг шеър ёзганим нишонга олмай.

Қизлар, тушлигича қолса ширин туш,
Кўкдан кўксингизга тушмаса қамар,
Бу — қушнинг тилини билмагани қуш,
Менинг шеър ёзганим бенаф, бесамар.

Камтар Ўзбекистон, давраларда кўз
Маҳлиё боқмаса, гар тўкис гулсан,
Бу — етук бастингга айтолмай мос сўз,
Менинг шеърлар ёзиб, бўлганим мулзам.

Улкан заҳматларинг топмаса баҳо,
Қадоқ қўлларингни ўпмаса ҳеч ким,
Она Ўзбекистон, меҳнаткаш даҳо,
Мендай куйчилардан сен тамом кечгин.

Кечгин! Менга ҳаром, дард бўлсин тинчим,
Бўй-бастинг кўрсатмоқ шавқидан тинсам.
Ўзбекистон — менинг кўҳна севинчим,
Ўзбекистон, мангу кашфиётимсан.

1983

Бўсалар бўлмаса бунчалар текин,
Сен ҳавас айлаган Лайлилар қайда?

Жон олиб, жон тутар севги савдоси
Замондошинг учун эмасми қаҳат?
Латиф Кумушларнинг нозик адоси
Наҳот саҳналарда яшаса фаҳат?!

II

Майли, батниклардан ўгирмасанг юз,
Шимни ҳам киярсан ҳавас билан сен.
Эркакларга тақлид қайларда жоиз?—
Сендан сўргим келар, иккинчи бир «мен».

Ҳаёт, бу —

кечгувчи шахдда-шитобда,

Яшаш — томошамас,

фидолик, демак.

Ҳақиқатни кўрсанг гар изтиробда,

Ҳимояга отлан, мисоли эркак.

Гоҳо кўзларингга мунг тушар ларзон:

Кимгадир ўтмишинг —

ўйинчоқ, эрмак.

Ўзлигинг баҳосин ким этса арзон,

Эътиқодинг кўрсат,

мисоли эркак.

Навоий юртини авом билса ким,

Тўмарис мардлигин ким билса «эртак»,

Элингга, тилингга даҳл қилса ким,

Қалқон бўла билгил, мисоли эркак.

Ҳаёт сурунмагай парқу булутдай,

Ёқалашмоқ керак нур учун бешак.

Бахтни даст кўтар-у абжир йигитдай,
Фидолигинг кўрсат, мисоли эркак.

Давр уйқаш қилди аёл-эркакни.
Жўмардлик қўлин тут, сурмай нарига,—
Ҳавас қилсанг ҳамки узун кўйлакли
Пушкин замонасин хонимларига.

1983

Мени қиёс айлайсиз ойга,
Йўқ-йўқ, унга келмас ўхшагим.
Ҳавасим йўқ сохта чиройга,
Мақтовларга ҳушсиз яшагум.

Бўлса ҳам у малоҳатга бой,
Кўнмагайман мен қамарликка.
Чидолмасман, нур ўғриси — ой
Кўкда бўлса яна малика.

Менга аён: ой — совуқ вужуд,
Қодир эмас яратмоққа у.
Қуёшдандир, бағри бўлса бут,
Қуёшдандир у сочар ёғду.

Майли, қолсам қиёссиз, шеърсиз,
Ношукур деб қўйсалар айб.
Нисбат нечун,
Бўлсаю нурсиз,
Ой бошимда турса кеккайиб?!

Яшамаса каззоблар таҳлид,
Ой агарда бўлса бокира,
Беркинмасди қуёшдан,
ёхуд —
Уни кўргач, тортмасди хира...

1983

ЎЗБЕКИСТОН БАҲОРИ

Шоир дўстларимга

Яна баҳор келди,
соғинчли баҳор,
Муҳаббат сўзидай дилбар ва ширин.
Бўртма куртакларда саховат бисёр,
Ўқиб қолдимикин дўстларим шеърин.

Атлас кўйлак кийган келин тимсоли —
Нафис гулбаҳорнинг энги шимариқ.
Гувраниб, йўртмачоқ гўдак мисоли,
Онасин кўргандай
чопқиллар ариқ.

Борлиқни тунаган қишга исёнли —
Кўкатлар кўтарар ялписига бош.
Нигоҳларда кўриб завқни, тугённи
Эриб, юмшаб борар тобора қуёш.

Баҳор сиздай жўшқин, шоир дўстларим,
Сиздай янгиликка, оҳорларга ўч.
Бўяр экан қишнинг рангсиз изларин,
Ажабо, яна у тўсиқларга дуч.

Гоҳ олдинга ўтар аёз бенавбат,
«Бизлар ҳам бор» дея ёғиб қолар қор.
Гоҳ кекса бўронда қасосга рағбат...
Баҳор изларида не турфа ағёр.

Бори ифор бўлган яшноқ одимдан,
Билмадим, ким учун етгай ранж, озор?!
Донолар айтгандай, дунё қадимдан
Касод матоларни мақтовчи бозор.

Ҳасад қўлларида кузги хор-хаслар,
Ҳасад хаёлида — интиқом, фириб.
Водариғ, ифорда бўйлашолмаслар,
Даъвода бўйлашар аммо тик туриб.

Баҳор ўзин урмас ҳеч қачон пастга,
Кўриб турса ҳамки ҳасад тарhini.
Минбар талашмагай бўлар-бўлмасга,
Арзон этмагай у қадр нарhini.

Майли, билдиришсин унга эътироз,
Майли, қўйишсин ҳам «ёмон» деган от.
Гулпараст таъзими — баҳорга эъвоз,
Шоирлар ҳайрати — унга мукофот.

Жўшқинлик бор бўлсин, шоир дўстларим,
Чирой оча берсин баҳордан Ватан!
Шеърга сола беринг яшил кўзларин,
Фурсат баҳорники, сизники, зотан!

1983

ОҲ НЕТАЙКИ...

(Ҳазил)

Болажоним, тойчоққинам,
Чуватиб сафни,
Югурасан, ирғишлайсан...
Чарчаш қаёқда.
Сенга қараб эслагайман халқ айтар гапни:
«Болаликнинг кучи — оёқда».
Меҳнат, деса, кўрсат, деса довқур хислатни,
Беллашувга тарафкаш йўқ йигитлар учун.
Дониш халқим айтган экан топиб ҳикматни:
Белда эрур йигитнинг кучи.
Мўйсафидлар чойхонада гурунг билан банд,
Сиёсатдан, риёзатдан олар шу ёшда.
Мен ўйлайман: халқим нақли нечоғ ҳақиқат:
«Кекса кучи — ё жағ, ё бошда».
Йиқилмагил, болажоним, қўлларимни тут.
Йўллар маккор,
Билсанг, жоним, йўллар нағмагар.
Меҳр билан белбоғ тикдим.
Боғлаб ол, йигит,
Мадор бўлсин, чарчасанг агар.
Парёстиқлар қўйиб берай,
Толиққан чоғлар
Ором олинг,
Ешингизни, ота, қўйинг сиз.
Оҳ, нетайки,
Сўйраб-сайраб чарчаса жағлар,
Чорасига мен чорасиз,
Энди мен ожиз...

1983

Вақт топмай қуёшдан дилим хушларга,
Шанбани зор кутдим, юмушдан толиб.
Боғ ҳовлим, бағри кенг кўринишларга
Кетай, дедим шу кун бошимни олиб.

Шанбани зор кутдим...
Бошланди ёмғир.
Кўнмай иложим йўқ уйга — хитликка.
Қўлим ишга бормас.
Қанчалар оғир —
Томошабин бўлсанг мустабидликка.

1983

Бемурувват, худбин раъйида
Кутилмаган ажиб ўзгариш,
Мен — баҳор, деб февраль ойида
Ўрикларни алдаб қўйди қиш.

Кўнгилларга урган чоғ эди
Атрофдаги ялпи карахтлик.
Тушларига кирган — боғ эди,
Бағри бутлик, яшноқ дарахтлик.

Гўзаллиги, эҳтиросини
Ошиқарди қилмоққа кўрик.
Айлантириб алдов бошини,
Қишда гуллаб юборди ўрик.

Эҳ, кўринг сиз дунё ишларин:
Тутди яна қишнинг қишлиги.
Нафис чирой, гул боқишларнинг
Совурилди кўнгил хушлиги.

Баҳор келар. Ўрик бошида
Бўлай дейди қуёш ҳам дармон.
Лекин ўрик кўз қарашида
Бутун йилга етгулик армон.

Шоҳидиман сохта баҳорли —
Қишдан кейин қайтмаган хушнинг.
Оқибати нечоғ хатарли
Ишончларни чирқиратишнинг...

1983

НУРЛИ НУҚТАЛАР

Эзмоқ бўлсин мени қай озор,
Бармоқлари кўксим ниқтасин,—
Тўкилмасман.
Юпанчим, сен бор —
Эзгуликнинг нурли нуқтаси.

Қурбон истаб ноҳақлик-хунхор,
Нақ бўғзимга келиб тўхтасин,—
Букилмасман.
Ишончим, сен бор —
Адолатнинг нурли нуқтаси.

Майли, бўлсин илҳом ҳам бекор,
Оқ қоғозим йиглаб-сиқтасин,—
Укинмасман.
Таянчим, сен бор —
Муҳаббатнинг нурли нуқтаси.

Ҳаёт газал эмас.
У — сарбаст.
Гулдуракдир, шивир-мас саси.
Сен мен билан бирга бўлсанг бас,
Эътиқоднинг нурли нуқтаси.

1983

Ачинмасман агар сизга бўлмасам суюк,
Малоли йўқ нигоҳингиз кибр юкининг.
Юрагимнинг тоғлари бор — ўзича буюк,
Ўз-ўзига қадрлидир боғлари унинг.

Учратсангиз ногоҳ мени сокин, паришон,
Эҳтимолки: «Кимлигимни кўрсатдим», — дерсиз.
Кўрмоқдаман кимлар учун гарчи сиз осмон,
Кимлар учун писанд қилмай босгани ерсиз.

Билармисиз... йўқ, билмассиз, сокин кўзимни
Тунд осмонга, заранг ерга кўрмасман раво.
Юрагимнинг тоғларига чорлаб ўзимни,
Юрагимнинг боғларидан тинглайман наво.

1983

Бесар замон, десалар,
Кўрсатаман сени, шеър.
Дорилмон, десалар,
Кўрсатаман сени, шеър.
Туғилмоқнинг ўзи — бахт,
Яшамоқнинг ўзи — бахт,
Борми армон, десалар,
Кўрсатаман сени, шеър.

Сувларда чўкмасим — сен,
Утларда ёнмасим — сен,
Боримдан тонай, майли,
Ягона тонмасим — сен.
«Яшаш — ўлимдан оғир», —
Деган экан Искандар.
«У ҳам бекор», — десалар,
Сира ишонмасим — сен.

Утинаман, азизим,
Қорани оқ, демагил,
Кўксимни ер, демагил,
Кўксимни тоғ, демагил,
Одамлардан кўз олиб,
Турсам хаёлга толиб,
Мунгдан йироқ, демагил,
Мунгга ўртоқ, демагил.

Одам — сир тўла дунё.
Ноқисда қай ишим бор.
Боқиб баъзида ҳайрон,
Қошинга қайтишим бор.

Сенда бирдай диёнат,
Сенга бирдай садоқат.
Ҳеч кимга айтмасимни
Ўзингга айтишим бор.

Ҳақиқат бўл, ишончим,
Ҳақиқат бўл онгларда.
Сершитоб бўл, суянчим,
Бехатар бўл жангларда.
Кўнглим тусар гоҳи най,
Гоҳида карнай-сурнай.
Алла айтиб ухлатгил,
Уйғотиб қўй тонгларда.

Лоқайд инсон, десалар,
Кўрсатаман сени, шеър,
Борми имон, десалар,
Кўрсатаман сени, шеър.

1983

САВОЛЛАР

Катта очиб қададим кўзни
Баҳри уммон, улкан тоғингга.
Кўзни юмиб ўтмадиммикин
Қалби доғли қизғалдоғингга,
Ватан?

Қулоқларга айланди жисмим,
Бонг урар чоғ момогулдирак.
Эшитмасдан қолмадиммикин
Уф тортганин қай митти юрак,
Ватан?

Олисларга кетдим ошиқиб,
Ҳайрат излаб кўз қароғимга.
Қайтдимми мен ошиқиб яна
Ажиб сурат — ўз тупроғимга,
Ватан?

Қайтдимми мен ақлим бойитиб,
Ўйлаб, излаб, англаб ўзлигим?
Деёлдимми бор овоз билан:
— Кўринг, қандай менинг ўзбегим,
Ватан?

1983

ФАХРИЯ

Дилхуш қўшиқ келар,
сархуш куй келар,
Ажиб ифор келар, ширин бўй келар,
«Икки минг йил» сўзин
пештоққа ёзиб,
Юртим қучоғига улкан тўй келар.

Осмоннинг софлиги, тинчлиги гўзал,
«Дўстлик» деган сафнинг зичлиги гўзал,
Енглари шимариқ, қўллари қадоқ,—
Юртимнинг қувончга ўчлиги гўзал.

Қуёш тилларида ҳарорат куйлар,
Мунис тупроқ узра ҳаловат куйлар,
Дилбар хонандалар авжига чиқиб,
Дил-дилидан куйлар, аломат куйлар.

Яшиллик шиорин шохларга осиб,
Борки тароватин оғушга босиб,
Шаҳрим зеболанур келинчак мисол,
Мақтовга муносиб, шеърга муносиб.

Шодон рухсорларда ўзлигин таниб,
Бахтидан ўргилиб, бахтидан ёниб,
Чорлайди тўйига дилрабо шаҳрим,
Гулдай қувонтириб, гулдай қувониб.

Сохта бўёқлардан мен холиман, дер,
Ҳеч ўчмас муҳрили, имзолиман, дер.
Жаҳон минбарига айланар-да у,
Тансиқ бахтингизнинг тимсолиман, дер.

Энг хуш каломлари битиклик оқда,
Шодон нигоҳлари яқин-йироқда,
Қўллари кўксида суюк шаҳримнинг,
«Марҳамат» демоқда, «қуллуқ» демоқда.

Шиоринг бахт сенинг, фақат бахт бўлсин,
Майин табассуминг ҳамма вақт бўлсин.
Саховат маркази, тинчлик маркази,
Бўлса фақат сендай пойтахт бўлсин!

1983

* * *

Осмонингиз қуёши бор,
Моҳи йўқ.
Кўзингизнинг қувончи бор,
Оҳи йўқ.
Тушунмайсиз. Тушунмассиз
Сиз мени,—
Кўксингизда жароҳатнинг
Доғи йўқ.

1983

Тўлдим, деманг. Тўлиқмассиз. Ҳатто яримсиз.
Сиз — ёшларим томган куним, хатоларимсиз.
Сиз — хотирам суратида янглиш бир чизги.
Юрагингиз туйғулари — саросар, кузги...
Кўзларимни беҳис кузга кўрмагайман эп.
Кетаяпман тугён истаб, яшноқликни деб...

1983



*Эй шеърият, оташ нафасли!
Она, десам, этмасмисан рад?
Менинг учун туғилиш асли
Сендаги ўт, сендаги ҳайрат.*

Кўзни қандай юмсақ, шундай очамиз.
Тўшакни эзмагай босириқ тушлар.
Тонг билан иззатни тўйиб ичамиз,
Мақтовлар кун бўйи кўнглимиз хушлар.

Китоб ўқимаймиз. Шундоқ ҳам «олим».
Нолиш тингламаймиз — «бари майда гап».
...У ёгин айтмоққа етмас мажолим.
Сесканиб кетаман кўзингга қараб...

1983

ЧОЛГУЧИНИНГ АЙТГАНИ

«Чертмак» чалдим. Маҳзун дер:

«Бедард куннинг меваси».

«Гиря» чалдим. Дилхушлар айтмиш:

«Туннинг меваси».

Савол бергим келади фикри шундай кемтиikka:

«Сиз қай тупроқ меваси, қай гардуннинг меваси?»

1983

АМЕРИКАЛИК УРУШПАРАСТЛАРГА

Бўлганидай ҳар матонинг икки томони,
Манфийликка мусбат шерик, қувончларга — ғам...
Америка деганда мен мовий самони
Тушунардим, чанг-тўзонли самоларни ҳам.

Тушунардим Марк Твенлар,
Драйзерларни.
Қалби олов Джон Ридларга ҳавасда эдим.
Кўриб Куба биқинида
крейсерларни,
«Америка — тубанликка вобаста», — дедим.

Америка, назаримда, миллионерлар —
Дасти узун кимсаларнинг макони эди.
Кўчаларда оч-ночорлар, иш беринг, дерлар...
Бу юрт — инсон қадрин тупроқ экани эди.

Энди эса... сизлар боис, бир туркум жаноб,
Америка кашф этдим: бетуйғу, довдир.
Бу юрт, не тонг, чидай олмас, жилмайса офтоб,
Водаригки, бу юрт ҳатто ўзига ёвдир.

«Оқ уй» номли қора бино тажанг, серқаҳр:
Ер юзини этмоқ истар жонсиз, хароба.
Ўзи омон чиқармикин дўзахдан? Ахир —
Ўт кетганда ҳўлу қуруқ ёнар баробар.

Назаримда, бу тупроқдан хорижда ақл.
Назаримда диёнатнинг қуриган шўри.
Кўз олдидида бадлик нуқул, разолат нуқул...
Йўқотгандай овозини Уитмен шеъри.

Хемингуэй аёллари дилбар эди, оҳ.
Хемингуэй йигитлари ориятга бой.
Тилим шундай деяптию, қаршимда ногоҳ
Қад кермоқда қурол, бомба хирмон бўлган жой.

Аёллари бу жойларнинг — фоҳиша, сатанг,
Йигитларин хунрезликдан бўлак йўқ майли.
Тасавурум чизгисида шундай бу ватан...
Эй жаноблар, билиб қўйинг, бу — сиз туфайли.

Сиз одамзод авлодига терс турган онда,
Тун этмоқни истаганда гул ҳаёт тонгин,
Туйғу, юрак бор, десалар, сиздай инсонда,
Очиқ айтар бўлсам агар, келмас ишонгим.

Ишонтиринг пок деб юртнинг йигит — тоғини,
Ишонтиринг бокира деб аёл-бекасин.
Истасангиз сизни одам санамоғимни,
Ерга урманг Хемингуэй Америкасин.

1983

НАЙ ҲАҚИДА

Айтишганди: кўнгли — адр,
Усар унда лолалар.
Кўрдим: ўйин майдонидир,
Тўп тепишар болалар.

Айтишганди: кенг адрнинг
Ёнбошида тоғи бор.
Кўрдим тоғнинг озорини,
Лолаларда доғи бор.

Айтишганди: ношукурнинг
Чалар куйи тушкундай.
Куйлармиди шавқ-сурурни
Қалби тепик, мискин най?!

1983

ВИСОЛ МАНЗАРАСИ

Ўкутиш соатлари.

Сукунат эзиб,

Ёмғир ўтиб кетар ич-ичларимдан.

...Бағрингга гўдакдай сингийман,

безиб —

Ҳўл ва дийдираган соғинчларимдан.

Гўдакман, меҳрини топганидан маст,

Интиқ кутганидан бошқани билмас.

Кўзларинг жон тутар.

Усаман бирдан.

Висол шодлигидан осмонда бошим.

Кийиниб тураркан атрофим нурдан,

Карашмасин бошлар ўн саккиз ёшим.

Ўн саккиз ёшимнинг шўх-шанлиги бор,

Сендай танҳосига эҳсонлиги бор.

«Фироқ ўраб олди сўлу соғимни.

Фироқ осмонимга булут қантарди.

Қанча кун яшадим сени соғиниб...» —

Сипо қирқ ёшимнинг тўкилар дарди.

Қирқ ёш — сув тиниқар

фасл бўларкан,

Туйғулари унинг асл бўларкан.

«Кетма сира, — дейман, —

бағримни ўйиб,

Ҳувиллатиб висол кўприкларини...»

...Киртайибди кўзинг.

Соғинчга йўйиб,

Олтиш ёшим силар киприкларингни.

Олтмиш ёш қўлларин майинлиги рост,
Сенсиз бу ҳаётнинг тийинлиги рост.

...Ҳислар талошига мен таслимдаман.
Минг куйга солар у битта бошимни.
Айтгил, висол чоғи қай фаслимдаман?
Айтгил висол чоғи менинг ёшимни.

1983

Ултирарсиз. Ултирарман. Уртамизда даста гул.
Этмоқ истар икки айру волани пайваста гул.
Бағри қон, оқ, қай бирининг. Юзи заъфар қай бирин.
Воаларга ришта эрмас, пардаликдан хаста гул.

Гул билар: қўлга олинса, мисли гулрў, кулмишин,
Гул билар: гулдонда қолса, ўртанишдан сўлмишин.
Гулда бўлса шунча рағбат, не билай гулрў ишин:
«Зора»дан армон-илинжи, «водариғ»га қасдда гул.

Олддан айтай: «уф» тайин, «афсус» тайин,
гул, ёнма сен,
Ўзгалар соҳибаси сен истаган ишқ номасин.
Ким ўзи орзуга қонган? Қонмасанг, хўп, қонма сен.
Айлагил касб тарки ишқни, севгиси ораста гул.

Яхши дерман қўлга ўтмай, ўрталикда турганинг,
Ришта эрмас, волаларга пардаликда турганинг,
Билсанг эрди менга сен арзандаликда турганинг...
Ақлу хуш шундоқ дегай, оқким, нигоҳ демас-да, гул.

Кўз, нетай, айтмоққа уста бу забон айтмас сўзин.
Айлагай фош дилда борим, айламай фош ўз-ўзин.
Айтингиз, саркаш кўзимни яширардим қай йўсин?!
Яхшиям, Гулчеҳра, бордир ўртада бир даста гул.

1983

ДИОГЕНГА

*Қадим юнон файласуфи Диоген
умрининг охирида бочкада яшаган*

Англабсиз одамзод феълу баҳосин.
Одамки, кўпларин босган ис, қурум.
Бадбинлар талабди сиздай даҳосин,
Сенга бу ҳаётда йўқ, дея ўрин.

Сиз — идрок кишиси.

Нодонлар қавмин
Макру озоридан тўйибсиз чандон.
Беминнат тотай, деб
нон-сувнинг таъмин,
Узлат оғушини айлабсиз макон.

Топмоқ машаққатми нажоткор йўлни?
Жарликми истак ва имкон ораси?
Хайр-хўш эканми,
шарт силтаб қўлни,
Узни муҳофаза айлаш чораси?

Тарки дунё қилиб, ўртамай бағир,
Шоҳи бўлишарми озод хаёлнинг?
Омон Матжон айтар:

«Яшаши оғир
Таъсирчан одаму гўзал аёлнинг».

Сизни тушунмасдим, агар бўлмаса
Суронли теграмда ақли расолар.
Нур улар қалбида очар гоҳ аза,
Гоҳ булут уларга қовоғин солар.

Гоҳо улар сиздай хилватга толиб.
Гоҳо улар сиздай хаёл боласи.

Эҳтимол, тушкунлик бўлгуси ғолиб.
Эҳтимол, оқар ҳам юрак жоласи.

Айби: кўтаролмас разилликка қўл,
Бир совуқ қарашдан

вужуди қулар.

Ахир уларга ёт озор деган йўл.

Заҳарни заҳар-ла

кесолмас улар.

Шундан шоир бўлиб,

беором бўлиб,

Нажот бошпанаси этарлар шеърни.

Нур қучса, нур бўлиб,

Шомда шом бўлиб,

Ҳаёт қўли билан битарлар шеърни.

Шундан рассом улар —

силкингач юрак,

Суратга кўчади дардли оҳанглар,

Коса нимкосасин осон тушунмак:

Уларнинг ихота майдони — ранглар.

Шундан улар — руҳга шифокор куйчи,

Тиним билмас деҳқон — ерига ошиқ.

Ўзин қўяр жойи — эгатлар ичи,

Ўзин қўяр жойи — оловли қўшиқ.

Кончи, археолог — уларнинг номи,

Халқим, деб тупроқнинг

қаърига тушган.

Кимнингки юраги — севги инъоми,

Умри пўртаналар бағрига тушган.

Улар бошпанаси — шу қуроқ замин,

Ҳаёт буровлари — улар учун нақд.

Машаққатда туяр улар нон таъмин.
Зеро, шундадир бахт, фақат шунда бахт.

Не маъно яшашдан, пинакни бузмай
Ҳаётнинг муаммо, хилофларига?!
Дунёни ким бутлар, ҳамма ҳам сиздай
Кириб кетаверса ғилофларига?!

1983

БОЛАЛИК ХОТИРАЛАРИ

Онамга

Байрам шеърларини ўқидим талай.
Бахтли қўшиқларни ёд олдим яна.
Ҳаёт баланд-пастин менга, ҳарқалай,
Маъюс кўзларингиз айтарди, она.

Далалар ўқитди кўпинча бизни,
Далалар ўтказди синовдан яна.
Очилмасдан қолган дарслигимизни
Доно кўзингиздан ўқирдим, она.

Уруш қақшатган уй дилдираб, «уф»лаб,
Дилни тўлдираркан музига яна,
Бизлар исинардик кафтга «куф-куф»лаб
Иссиқ кўзларингиз тафтида, она.

Шеър ёздим. Дедилар: — Маъюс, шикаста.
Сенда ғам не қилсин? — дедилар яна.
Уни уруш берган мотамдан хаста,
Ўксик кўзингиздан олгандим, она.

Гоҳи изтиробли, гоҳида хушбахт —
Қалбим расмин чизса қоғозга қалам,
У — менинг қўлим-ла сиз битган дастхат,
У — менинг тилимдан сиз айтган калом...

1983

Танбал булутларга келар-да ғаши,
Олдига солади исёнкор шамол.
...Менга эриш сенинг лоқайд қарашинг,
Шундан шамол шашти менда, эҳтимол.

Кўзим, сўзим, ўзим — бетоқат олов.
Сенга хуш ҳолатнинг берсам додини...
Билиб қўй, мен — ҳиссиз фурсатларга ёв,
Янчаман лоқайдлик истибдодини.

Майлим бир ўзимга кўплик қилмоқда.
Иста — чекил. Иста — суруримдан ол.
...Сен танбал булутдай лоқайд бир чоғда,
Шамол шитоблари менда, эҳтимол.

1983

Сиз ҳам эл-юртига гўё жонҳалак,
Гўё усиз чиқмас қуёш, оингиз.
Сизда бўлак ташвиш бўлмаса керак
Йўқотиб қўймоқдан ёғли жойингиз.

Яшаш воситангиз — уйдирма, найранг,
Ёлгон маълумотлар жамланган қоғоз.
Бунинг эвазига сиз учун, қаранг,
Махсус идораю махсус имтиёз.

Яна «Ватандош!» деб айлайсиз хитоб.
Асл мақсадингиз манфаат, пулда.
Кейин бошлиқларга ёзасиз ҳисоб
Қайси бир имлода, қайси бир тилда.

Ўзгалар измида сизнинг ихтиёр.
Халқ қалбини топташ — сиз учун маош.
Юрт сотиб яшашни билмасангиз ор,
Айтингиз, сиз менга қандай ватандош?

Бўлак ниятим йўқ бахтин кўрмоқдан,
Халқим ўй-хаёли — мен учун ҳаёт.
Лекин ким чеккада заҳми тупроқдан,
Уни танимасман, у — мен учун ёт.

Бас, сохта нағмалар, тараҳҳумлар, бас!
Фаҳми кемтик эмас, сўқирмас башар.
Ватан ҳомийлари сўз билан эмас,
Номус-имон билан, иш билан яшар.

Ватандош билса ким ўзига мени,
Бахтимга, дардимга бирдай туташар.
Биргаликда тотар заҳмат таъмини,
Ватан ҳомийлари Ватанда яшар!

1983

БҮЗТҮРҒАЙ

Мен ёр десам, кўз олдимда энг чиройли кўз тургай,
Лабларимда шакар тўла, қувонч тўла сўз тургай,
Муҳаббати ғуруримни тоғлар қадар ўстиргай,
Эсса ногоҳ мунг шамоли, йўлларини тўстиргай,
Ишонаман: вафо менга бир умрлик дўст тургай.
Оҳ, сен нечун бўзлагайсан,
Бўзлагайсан, бўзтўрғай?

Ҳаёт мунча ширин экан, юлдузланар, ойланар,
Кўкда эмас, қуёш менинг юрагимда айланар,
Ёр кўксига номим танҳо баҳорликка сайланар,
Назаримда севги бахти ҳар юракка жойланар,
Мен ёр, десам, лабларимда қувонч тўла сўз тургай.
Оҳ, сен нечун бўзлагайсан,
Бўзлагайсан, бўзтўрғай?

Ишқ гадосин «оҳ»и бисёр. Мен гувоҳи бўлганман.
Ишқ гадосин қалби бемор. Мен огоҳи бўлганман.
Сочларимга оқлар тўлиб қароргоҳи бўлганман.
Қароргоҳи бўлмоқ надир? Ўзим «оҳ»и бўлганман.
Шу боисми, андак «оҳ»дан борлигимга муз тўлгай.
Дардинг олай.
Айт, сен нечун бўзлагайсан, бўзтўрғай?

1983

Болажон, қўйгансан гулларга кўнгил.
Болажон, гуллардай сен ўсгил-унгил.
Бир умр меники бўлсин, десанг гул,
Авалло қуёшни сева бил, эркам,
Қаримас беминнат қуёш сира ҳам.

Сева бил баҳорни, баҳорки тоза,
Саховат, беқиёс дидга андоза,
Чарчамас кўкликни у ёза-ёза.
Ҳиммат, муҳаббат у, ёниқ ҳаяжон.
Билгилки, қаримас баҳор, болажон.

Сева бил самони. У — бесарҳад йўл.
Тунга зид, исёнкор юлдузлари мўл.
Пастлик, тубанликка кўтаргувчи қўл —
Боқишлари бордир мовий, бокира.
Қаримас нуроний само ҳам сира.

Ҳақиқатни севгил юракдан яна,
Десанг: «Ором билан қурай тантана».
Билсанг у, болажон, онангга она,
Гарчи осон эмас зил юкин тутмоқ,
Кўҳна ҳақиқат ҳам қаримас мутлоқ.

Ана шунда тайин чўғ-оташлигинг,
Ҳаёт тақдирига жафокашлигинг,
Бир умр сеники бўлар ёшлигинг,
Ҳамма ҳавас қилар ўғлонсан шунда,
Қуёшсан, баҳорсан, осмонсан шунда.

1983

Битта-битта япроқ учар, япроқ учар,
Кўз ўнгимда тупроқ қучар, тупроқ қучар.
Ҳар бирига чирмашиб ул япроқларнинг,
Юрагимдан титроқ кўчар, титроқ кўчар.

Отам эккан дарахт эди, орзу эди,
Менга танҳо васияти, қарзи эди.
Япроқларнинг кўклигидан огоҳ бўлсам,
Шундагина руҳи мендан рози эди.

Бирор қуртми, ер остидан пайин қирққан,
Гармселми ёки билдирмайин қирққан.
Не бўлмасин, менинг кўм-кўк қувончимни
Тайин қирққан, тайин қирққан, тайин қирққан.

Умидларим баланддайди, пастга тушди,
Оёқ ости, топталган чўп-хасга тушди.
Қуламасин экан ишонч ногаҳонда,
Қасдга тушди, юрак энди қасдга тушди.

Тинмагайман, қайтмагунча кўклик боққа,
Борим фидо бўлсин менинг шу тупроққа.
Шундагина ҳаддим сиғар фарзанд бўлиб —
Яшамоққа, яшамоққа, яшамоққа!!!

1983

* * *

Бир кам дунё. Кам дема.
Ишқ топмасанг, ғам ема —
Ошиққа айланурсан.

Бахту омад сарсари.
Бахт сендан қочган сари —
Қўшиққа айланурсан.

Тўлдим, деган онда-чи,
Тўйдим, деган онда-чи —
Бўшлиққа айланурсан.

1984

Қачон қалб юртимни бу жаҳонгир босди?
Бўла қолдим экан қачон жория?
Мендан не сўраркин?
Билмайман, рости.
Билганим шу: шодман борига.

Ииллар ўтиб борар.
Кашфим у ҳануз.
Таажжуб қиламан сирлилигига.
Баҳорни тутқизар, келганида куз,
Сигингим келади нурлилигига.

Фақат ўзимга тан,
 шикаста қалбимнинг
Таъбирчиси ўша, шифокори ҳам.
Учратмаса эди тақдир шу алпимни,
Билган бўлар эдим ҳаётни ситам.

Ожизгина вужуд, мўртгина руҳим
Унинг борлигидан тўлади кучга.
Йўқотганим бўлса ҳаёт шукуҳин,
Айланиб қоламан исёнга, ўчга.

Кўнглимга юпанчлар, парвозлар солар,
Бўлсам-да ноумид, бўлсам-да хаста.
Баландлаб кетаман худбин кимсалар,
Нохуш хаёлларни қолдириб пастда.

Оҳ, кўрсангиз мени...
 Энтикиб-энтикиб,
Ҳар онимда унга суялишларим...

Уни тинглаб-тинглаб, ақлларга қониб,
Ўз айтар сўзимдан уялишларим...

У — менга мукофот.
Кўксимга босиб,
Яйрайман шундайин бахтим бориға.
Мен ҳам бўлсам, дейман, унга муносиб,
Унга арзигулик жория...

1984



*Туш кўрар бўлсам агар,
Кулгуларингиз кўрдим.
Хаёлга тўлсам агар,
Ёғдуларингиз кўрдим.*

ЎТМИШДАГИ БУЮКЛАРНИ ЎЙЛАБ...

Сиз учун не фасод,
Ўйдирма, кин, ҳасад,
Инсонлик, оҳ, касод,
Жавоҳирларим.

Йўлингиз хўп оғир,
Талонда ўт бағир,
Камёблик — сиз, ахир,
Жавоҳирларим.

Нур-зиё тараб сиз,
Юраги харобсиз,
Биз учун шарафсиз,
Жавоҳирларим.

1984

Воажаб, гулни бўғиб, яйраб ўсибди зарпечак.
Зар, демиш ким? Зар эмас ул. Оҳи дилга кар печак.
Бу — не ғаддор ёсуманлик, бу — не расво телбалик:
Бермаса кун яхшиликка заққуму заҳар печак?!
Гул турар ғамга тўлиб, ўз маскани ғурбат бўлиб,
Бу — не хўрлик, бошга чиқса йўлда ётган ҳар печак?!
Яхшилар билмас экан-да яхшиликдан ўзгани,
Бошда ой жим. Бошда шамс жим. Шаҳд кўтармиш
бар печак.
Турмагил жим, йўқ, сен эй Гулчеҳра, юл, от барини,
Ҳокими мутлақ ўзим деб солмасидан жар печак.

1984

Сойлар қўлин тутган онажон дарё,
Шунчаки сув эмас, ҳаяжон дарё,
Яна бир сой келди, ана, жон дарё,
Боса қол бағрингга ётсираб турма,
Инон-имонига хат сўраб турма.

Оқарсан олдинга уннаб-униқиб,
Айқириб, ҳайқириб, шаҳддан тўлиқиб...
Сой лойқа бағрингга кирар тиниқиб.
Тоза ўйларининг саховати мўл.
Саховатин қўлла, ҳимояти бўл.

Сени тўлдирмоқчи у бир сойчалик.
Саломга келибди. Ола қол алиқ.
Илтифотни пеша била қолайлик.
Юрсин паноҳингда ошини ошаб,
Эзгуликсиз, ахир, бўларми яшаб?!

Бу ҳаёт бахтини бирликда, дерман,
Амуликда дерман, Сирликда дерман.
Бирлик мевалари ҳурликда, дерман.
Улкан куч бўлмасанг, яшамоқ маҳол,
Бахтга ўч бўлмасанг, яшамоқ маҳол.

Бир қадам... уч қадам... беш қадам... Алҳол,
Сершиддат бағрингга қоришди зилол.
Сувдаки сингишлик шунчалар маҳол,
Одамларга тўзим, одамларга тан.
Бир тан, бир жонларинг қутлайман, Ватан!

1984

ТУЗАЛМАС ХАТО

(Бир она изтироблари)

Унсин, дедим, ниҳолим олдин,
Уссин, дедим, шу тансиқ бахтим.
Шохинг энди эголмай қолдим
Тарвақайлаб кетган дарахтим.

Япроқларинг — кўксимга ханжар,
Оҳ, қандайин кўргилик бу ҳол!
Анчар чиқдинг, заҳарли анчар,
Мен авайлаб ўстирган ниҳол.

Яшаяпман сарғайган ҳолда,
Хазонрезги кўнгил чаманим.
Кесолмайман шарт уриб болта,
Илдизларинг қалбимда маним.

Юрагимни кимга ёзаман?
Ўзим сабаб, йўқолган бахтим.
Оссам, ўзни сенга осаман,
Тарвақайлаб кетган дарахтим.

Хатоларим заҳри кўп ёмон.
Улар боис бахтим — қаро ер.
Мен — аввали хушчақчақ, шоён,
Сўнгги эса — изтиробли шеър.

1984

Озор жон-жонидан ўтаркан бешак,
Пайдо бўлар экан гулда тиканак.

Қолиб минг чийралиш, минг бир синовда,
Қамчинга айланар экан мўрт новда.

Бир шохни синдирса зўриққан шамол,
Бошқаси шиддатга тўларкан, алҳол...

Мени саркаш кўриб, бўлмангиз ҳайрон:
Тилсиз теграмда-ку шунчалар исён.

1984

Туш кўрар бўлсам агар,
Кулгуларингиз кўрдим.
Хаёлга тўлсам агар,
Ёғдуларингиз кўрдим.
Изтироб чекар бўлсам,
Суяб турди табассум.
Кўзёши тўкар бўлсам,
Уялтирди табассум.
Кимлар ташласа нигоҳ,
Хаёлим учди сизга.
Маҳкам, яна маҳкамроқ
Боғландим ўзингизга...

1984

Заррин уфқларга кўзларин тикиб,
Учмоқда дугонам — менга замондош.
Мен эса, дўстларим, ёниб-энтикиб,
Муҳаббат кўксига қўйгим келар бош.

Кўраман: дугонам қалбида сурур,
Қуёшдан кўчирар шаклу шамойил.
Мен эса, дўстларим, бутун бир умр
Муҳаббат суратин чизмоққа мойил.

Кўраман: дугонам орзуси — Зуҳал.
Ойда сайр этсам, дер яна бир синглим.
Мен эса, муз ушлаб, жунжиккан маҳал
Муҳаббат нурида келар исингим.

Йўқ-йўқ, кўз юммасман қуёшдек, ойдек —
Аёлга тегишли шўхрат тожидан.
Фақат олға чошиб,
 узилмасайдик —
Дилнинг ибтидоий эҳтиёжидан...

1984

НУҚТАИ НАЗАРЛАР

— Бош устимда ёйиқсан,
Бағримни тешар ўқсан,
Қуёш, шафқати йўқсан,—
Муз кўзида ёш, айтди.

— Кўрсатганинг илтифот,
Нурларинг — бизга ҳаёт,
Таъзимдэмиз умрбод, —
Чечак эгиб бош, айтди.

— Қуёш кимга беқадр,
Кимларга мўътабардир,
Менинг учун бари бир,—
Буни харсангтош айтди...

1984

СУЯНЧИҚ¹

Сиз яна енгилдингиз, «мсьё» дейми ё «мистер?»
Не бўлса ҳам аввалги «Уртоқ Корчной» эмассиз.
Сиз долларга алмашган — Ватандир, оҳ, номусдир,
Сиз долларга алмашган — халқингиз меҳри, эсиз!

Енгилдингиз... Боисин ким кўриб олтмиш ёшдан,
Кимдир яна омадга тақаб юргандир балки.
Қачон енгибди дерсиз. Йўқ, енголмас курашда,
Паҳлавоннинг ортидан боқиб турмаса халқи.

Анатолий... Толямиз... Кўзларига бир қаранг:
Болалиги бор ҳануз — бегубору ёқимтой.
Агар сизда эрк бўлиб, имкони топса жанг,
Авалло шу кўзларга отардингиз, ҳойнаҳой.

Қанчалар разолат бу — худбинларга хос хислат:
Мағлубият боисин изламаслик ўзингдан.
Топдингиз «беватан» деб битилган тавқи лаънат
Сиз юкинган хориждан,
сиз сиғинган тузумдан.

Бир пайт номдор эдингиз сиз ҳам шахмат ҳарбида.
Кўрдингизки, довруғнинг умри елга баробар.
Шундай насиба, тайин, халқи бўлмайд қалбида,
Шоҳсупа, унвонларга ким бўларкан даъвогар.

Шундай насиба тайин, ким топтаса Ватанни:
Келгай сарҳисоб гали, келгай адолат гали.

¹ Карпов-Корчной шахмат мусобақалари пайтида Корчнойнинг столи ёнига «Беватан» деб ёзилганди.

Ўдга солиб бир умр қай тузалмас хатони,
Қўймас экан ҳаттоки гўрда ҳам тинч ётгали.

Ватан пойдор бўлмаса, халқ қўллари қўймаса,
Ҳайкалларинг қуларкан, шуҳратларинг куяркан.
Фақат ўзни ўйласанг, фақат ўзни куйласанг,
Эъзозларинг ўзингни қора этиб қўяркан.

Севинаман, тикилиб адолатга — хушрўйга,
Вақти келиб яна у — бешафқат ўқлигидан.
Аниқ эди бир куни тушмоғингиз шу куйга,
Сизда Ватан, халқ деган суянчиқ йўқлигидан.

1984

Ёлғон, бари ёлғон, илк кўрган пайтим
Бахт рангин берганим суратларингга.
Ёлғон мақтовларга кўмгани байтим,
Қалбим тор, деганим ҳайратларимга.

Ёлғон, бари ёлғон, илк висол куни
Шивирлаб айтганим: умримга гулсан.
Бир улуғ муродга зор юриб, уни —
Топдим, деб ишонмоқ бўлибман, билсанг.

Ёлғон менга ҳамроҳ юрган сокинлик.
Измингдаман, дея айтганларим ҳам.
Истеб қолар экан кўнгил эркинлик,
Чекдай бермас экан тизгинга одам.

Адашган ҳисларим мулзам, ярали.
Энди сўзларим ҳам ундовсиз, вазмин.
Бунча кеч фарқлабман оқу қорани,
Бунча кеч танибман ҳақиқат расмин.

Қайдан пайдо эди илк мақтов, қасам?
Қайдан келиб тушди янги пўртана?
...Ернинг сокинлиги феълимда, десам,
Ернинг zilзиласи бор экан яна...

1984

УҒЛИМ УЛУҒБЕККА

Кўм-кўк шохда тўхтаган
Қуш расмини чизибсан,
Тонг қўйнида ухлаган
Гул аксини чизибсан.
Қоғозингда оққан сув
Шарқирашин истардим,
Менга севимли ғулув
Барқ уришин истардим.
Истардим, чизганинг ой
Менга шеърлар айтишин,
Кўкни тўлдирган чирой
Руҳимга ҳам қайтишин.
Шабнамнинг шод боқишин
Чизмоқчисан, эҳтимол,
Бунинг учун, оққушим,
Оқ рангларни танлаб ол.
Гар кузатсанг гурлаган
Ажабтовур ҳаётни,
Қувончларни хўрлаган
Ғамнинг сурати одми.
Юраклардан томмаган
Ранглар бисёр, кўз солсанг.
Тиллар айта олмаган
Сўзларни чиз, чизолсанг.
Бедорликдан не маъно?
Мўйқаламни ёниб ол.
Чизмоқ бўлсанг, аввало,
Бахту дардни таниб ол.

1984

БАҲОРДА БАҲОРНИ СОҒИНИШ

(8-март куни ёзилган шеър)

Соғиндим баҳорни — бағри кўкликни.
Ипак майсаларни излайди кўзим.

Соғиндим ирмоқлар қилар шўхликни,
Қайларда юрибсан, хушрўй наврўзим?!

Ташнаман гунафша ифорларига,
Ялпизлар — баҳорнинг чопарларига.

Ялпизлар, дейману, теграмда совуқ.
Либоссиз дарахтлар туришар хомуш.

Тахтдан тушгиси йўқ, оҳ, тушгиси йўқ
Иззати тугаган, мункиллаган қиш.

Шу худбин қўйдими йўлингга тузоқ?
Баҳорим, ташрифинг бунчалар узоқ?!

Кела қол, қишни сен қолдириб доғда,
Кўзлар излагани турмасин ниҳон.

Ариқ лабларида, қирда, бутоқда
Рухсорингни очгил шитоб, ноғиҳон.

Юраклар зиқ бўлган фурсат, баҳорим,
Тантилик нелигин кўрсат, баҳорим.

Муз қотган ҳисларни ташла эритиб,
Қор босган уйларни айла оқизоқ.

Майсалар тилида қўйгил шеър битиб,
Сарлавҳада турсин лолақизғалдоқ.

Оқ ўрик гуллари узатсин қимиз,
Биз ахир сурурнинг фарзандларимиз!

Ариқларда оқсин бир қучоқ шўхлик.
Келинлик рўмолин ёпинсин бодом.

Заъфар қоқиўт ҳам кўринар кўҳлик,
Мудом янгиликка ўч экан одам.

Кела қол, баҳорим, ловуллаган ҳис,
Биз ахир муҳаббат фарзандларимиз!

1984

ОРЗУ

На хуш, қизлар, саркаш йигит
Бўйин эгса қошингизда.
Бахт ҳайқирса одатга зид
Кўздамас, кўз ёшингизда.

На хуш, бедор кечангизнинг
Оромлари тайин бўлса,
Қулоқ тутган кўчангизнинг
Хонишлари майин бўлса.

Бахт тўла кўк.
Бахт тўла ер.
Мунг кулбаси буткул вайрон.
На хуш шоир тополмай шеър .
Юрса ҳайрон, юрса ҳайрон...

1984

ЎЙЛАЙМАН...

(Устоз Ойбек ҳақида икки шеър)

I

Ўйлайман: шеър, бу — мовий фараҳга
Кузакнинг беаёв санчган нишлари.
Айни чоғ, ўч тўлиб кўм-кўк дарахтга,
Яланғоч найзага айланишлари...

Ўйлайман: шеър, бу — қаҳратон қишнинг
Заҳри қовоғидан томиши чак-чак,
Айни чоғ, кўрсатиб ойдин боқишни,
Даст ёриб чиқиши қорни бойчечак...

Шундоқ бўлган ўзи азал-азалдан:
Қайда ҳақсизликнинг ошса босими,
Ўқ-ёйини ясаб шеърдан-ғазалдан,
Шоирлар кўтарган илк бор бошини.

Шундоқ бўлган ўзи: шоир юраги
Бахтга, муҳаббатга эзгу онадир.
Қайдадир қулаши виждон тирагин —
Шоирларга қарши айбномадир.

Шундоқ бўлар доим: мисли бахт ёди,
Мисли сават гулдай, дилхуш наъмадай
Ваҳший қояларнинг ажиб ижоди —
Нафис чайқалади бир туп наъматак.

II

Экранда, эфирда, китобда шеърлар.
Журнал-газетада шеърлар тўп-тўп.
Минбарда, шнорда, хитобда шеърлар...
Ўйлайман: шоирлар юлдуз қадар кўп.

Руҳим осмонида гоҳи бўм-бўшлик.
Қилмай турар, афсус, оққушим парвоз.
Ўйлайман, руҳимга тополмай эшлик:
Шоирлар ой қадар, қуёш қадар оз.

Ўша озлар учун меҳримиз фидо,
Бошга кўтарамиз қуёшдек, ойдек.
Қалбимдан чиқади шундай бир нидо:
— Ой қадар озларнинг бири — сиз, Ойбек!

1984

МУЗЕЙДА

Тўхтадингиз. Қаршингизда муҳаббат шаҳри.
Қўш юракни ягона гул турар никоҳлаб.
Кўзлардаги вафо шарҳи, қасамёд шарҳи
Қўяр сурат қаршисига сизни ҳам боғлаб.

Тўхтадингиз... От чоптирар яйловда баҳор.
Йилнинг дўндиқ фасли сизга кулар мулоғим.
Гунафшадан кўксингизга тўлади оҳор.
Атай сиз деб қизғалдоқлар очар чиройин.

Тўхтадингиз... Йўқ, тўхтамай, кетдингиз нари,
Сизга таниш пахтазорга боқиб бир қиё.
Кетмонли қиз туюлмади чоғи ойпари,
Ловуллаган офтоб сизни четга торгди ё...

Қиз бепардоз. Нигоҳининг сурури одми.
Айтмагайман, юзларига тўлган, деб, оҳор.
Айтмагайман, қарашлари чалғитиб ёдни,
Гуллар унинг қаршисида бўлар деб бекор.

Бари бир у менинг учун малоҳат отли.
Кўзларимда севги бўлиб турар қиз расми.
Ахир бизлар жон қадарли севар ҳаётни
Кетмонига суяб турган — шу гул эмасми?!
Тўхтаган!
Тўхтаган!

1984

Ёздим. Назар солсам, оҳ-додим йўқдай,
Муҳаббат ҳайлига имдодим йўқдай,
Минбарлар тилига саводим йўқдай,
Бас, сўзни биз қилар юмушлар айтсин.

Теграмда садоқат, теграмда дўст-ёр,
Мен бахт суратини чизарман бисёр.
Бахтга бутун умрим бўлса-да дастёр,
Бахтни бахтсизликдан ёнишлар айтсин.

Ҳаёт уммонига ташларман кўзим:
Гуллар тупроғига бахш этган ўзин.
Мақтов излашини шамол бетўзим —
Таъма, хушомадан тонишлар айтсин.

Сойлар сўйлар экан, қирғоқдан чўчир,
Ўушлар куйлар экан, тузоқдан чўчир,
Булбул тун кайфини бузмоқдан чўчир.
Навони беҳадик хонишлар айтсин.

Ўзим ким? Балки ёй, балки ўқлигим,
Юраги дудманми ёки чўғлигим,
Қаторда борлигим ёхуд йўқлигим —
Айтар бўлса агар, донишлар айтсин.

1984



*Учма, майли само кўксиди,
Майли сенга боқмасин шараф.
Истаганим: замин кўксиди
Укинч кўрсанг, турма бетараф.*

* * *

Дейдилар: кўзингиз менга тушганда,
Борлигим нур аро, байрам аромиш.
Не ажаб, тонгига гул етишганда,
Туннинг совуқлиги бўлса фаромуш.

Дейдилар: фақат сиз... сиз-ла суҳбатлар
Менга анжуманмиш, мен учун ҳайъат.
Не ажаб, кўзлари очилар пайтлар
Гул учун бахт бўлса, гул учун ҳайрат...

1984

Кўзасиз — бир кўрсам, сувлари лим-лим,
Кўзасиз — бир кўрсам, ичилган, бўм-бўш
Гоҳ баён этасиз сукунат тилин,
Гоҳ сизда юракка сиғмаган жунбиш.

Умримга ўхшайсиз.

Ташаккур.

Қуллуқ.

Дейман: «Тилакларим кетмасин абас.

Майли, гоҳида бўш, гоҳида тўлиқ,

Синмасангиз басдир, синмасангиз бас».

1984

Кўрдим: танҳо замин. Боғлари турли,
Бирдай ўсиб чиққан тоғлари турли,
Ухшаш юракларнинг доғлари турли,
Лекин Ўзбекистон хуш иси танҳо.

Пахтазорда юриб, уни ўйладим,
Заҳматларин кўриб, уни ўйладим,
Тор уйимга кириб, уни ўйладим:
Меҳри дунёларга бергисиз, танҳо.

Умрда кураш кўп, ҳам баҳралар кўп,
Кўкда битта, ерда ой, зуҳралар кўп.
Шоиралар ичра Гулчеҳралар кўп,
Мен агар шеър ёзсам, боиси танҳо.

Боиси ўзинг, деб айтарман, юртим,
Ўўлларинг узун, деб айтарман, юртим,
Кўрма мунг юзин, деб айтарман, юртим.
Кўнглимнинг ўзингдай наргиси танҳо.

1984

МАРИНА ЦВЕТАЕВАДАН

* * *

Блокка

Ана у, қарангиз, ғурбатдан безор,
Аскарсиз сардор.
Шаршарани ичар кафтида сокин,
Эл-юртсиз ҳоким.
Олисда бор-йўғи: аскар ҳам, шон ҳам,
Она ҳам, нон ҳам.
Олавер. Меросинг эрур бекам-кўст,
Дўст-ёронсиз дўст.

1921

Келдим. Ўзга эмас. Ўзим, ўзим, рост.
Хизматкор эмасман. Сўрамасман нон.
Якшанбалик ором, сенга эҳтирос,
Еттинчи кунингман, еттинчи осмон.

Унда тутқаздилар сариқ чақани.
Бўйнимга тегирмон осишган, қаранг.
Наҳот танимасанг, кўнглим ҳоқони?!
Бу — мен, қалдирғочинг, далли-девоанг.

1918

* * *

Қалбинг учқур қанот билан туғилса агар,
Нима бўпти унга сарой, унга кулбалар?!
Унинг учун Чингизхон ким? Ҳрдаси надир?
Ҳаётимда менинг ёвим — икки нарсадир.
Бу — эгизнинг туташлиги, битта ўқлиги,
Яъни очнинг очлигию тўқнинг тўқлиги.

1918

Қўллар ёр бўйнида турмагач эриб,
Дунё хизматини айлади ният.
«Дунё ёстиқдоши» номини бериб,
Никоҳ ўқиб қўйди бизга шеърият.

Шоҳона базмга ташриф кўп зеро.
Ўрнига қўймоқ шарт иззатларини.
Дўст-ёр боқий эмас. Боқийдир дунё.
Бекорга қилмасмиз хизматларини.

1918

* * *

Кимки уй қурган эмас —
Ерга нолайиқ у, бас.

Кимки уй қурган эмас —
Ерга айланолмас ул.
Бўлгуси хас-хашак, кул.

— Мен уй қурмаган эдим...

1918

* * *

Қуллуқ сенга, тангри — ҳотам,
Қурғоқ учун, уммон учун.
Таърифи йўқ бу гўзал тан,
Ўлмас бу руҳ, бу жон учун.

Ташаккурим муздайин сув.
Қон учун ҳам оташ-оқин.
Ташаккурим муҳаббату
Обу ҳаво учун тагин...

1918

ДЕНГИЗЧИ

Юлдуз — қайиқ, тебрат мавжингда.
Тўлқинлардан чарчадим жуда.

Ета қолмай қирғоққа илдам,
Чарчаганман ҳадиклардан ҳам.

Мақтов, шуҳрат, рақиб, тантана... —
Уйинлардан чарчадим яна...

Майса, япроқ, бўлинг уй — далдам,
Чарчаб кетдим жангу жадалдан...

1923

БОҒЛАРГА ТАСКИН

Чегира бормоқда қуёш ҳиммати.
Хирмонларга меҳр йўллайсиз, боғлар.
Яшил масканларим, сиз — беминнатим,
Сарғаймоққа, афсус, етишди чоғлар.

Не дейин?
Майлига, чайқангиз бошни,
Жунжикиб, саҳарга дилни ёрингиз.
Фақат баргдай тўкманг
ишонч-бардошни,
Ўкситса-да кузак — жиловдорингиз.

Демасман: беҳуда маъюс туйғулар,
Улар ҳам бўларкан юраги борда.
Асли сизникидир завқ-шавқ, кулгулар.
Ҳиммат тутарсиз-ку то гул баҳордан.

Даврангиз гувоҳи менинг ҳар фаслим.
Сиз, десам, эслайман шўх-шан ёшликни.
Бағрингиз ўргатган меҳнатни, асли,
Ўргатган яна у хаёлкашликни.

Пишган мевангизга отилган тошлар
Менинг юрагимни этарди заҳа.
Каллакланган тутлар — кесилган бошлар
Борки ҳужайрамда очган аза, ҳа.

Эгиб синдирилган шохингиз кўриб,
Билганман тошбағир қандай бўлишин.
Шунда ҳам эзгулик — сиз учун урф:
Бизга тутардингиз меҳр улушин.

Кўрсатар эдингиз илтифот-карам,
Фақат фидоликка сафарбар бўлиб.
Кўрсатиб турибсиз изтиробнинг ҳам
Сиртга чиқишларин заъфар барг бўлиб.

Боғларим, ҳаётга токи меҳр бор,
Албат қайтиб келар хушнудлик сизга.
Чидай билармикин қўли гул баҳор,
Қувонч осмагунча шохларингизга.

Яна қийғос гуллаш... Олтин қуёшнинг
Меҳри кўнгил очиб, куйловчи чоғлар...
Бас, етар маҳзунлик, чайқаманг бошни,
Баҳор омонлигин тилангиз, боғлар!

1984

ЕЗИЛМАГАН ШЕЪРИМГА

Қишда гул бўл, демагайман, рост.
Демагайман: тансиқ виқор бўл.
Қор бўла қол.
Жонга текканмас,
Мен соғинган биринчи қор бўл.

Баҳор бўлгил, демагайман, рост.
Демагайман: гулдай нафис бўл.
Бўла қолгил жажжи эҳтирос,
Мен излаган тансиқ ялпиз бўл.

Дарё бўлгил, демагайман, рост.
Демагайман: бўлгил анхор, сой,
Қўл етгулик ирмоқ бўлсанг бас,
Ирмоқ бўлгил муруватга бой.

Учма, майли, само кўксида,
Майли, сенга боқмасин шараф.
Истаганим: замин кўзида
Укинч кўрсанг, турма бетараф.

1985

Эй гулларим — нафис, хушбичим,
Юрагимга ширин титроқсиз.
Шошиласиз яшамоқ учун —
Мендан кўра ақллироқсиз.

Эй ирмоқлар — бетизгин, дадил,
Уз эркича оқар ирмоқсиз.
Тўсиқларга сиз белисанд дил —
Мендан кўра ақллироқсиз.

Эй тоғларим — хаёлга ошён,
Сукунатга талабгор тоғсиз.
Кези келса, бўлурсиз вулқон —
Мендан кўра ақллироқсиз.

Гоҳи йўлим хира тортар пайт
Ноқисликнинг қай туманида,
Ўксимасман. Бўлиш ҳам бир бахт
Ақллилар анжуманида.

1985

ЧОЛ БИЛАН КАМПИР

Давлат АЛИБОЕВнинг айтганлари

Хайрлашган гарчи мадор-куч,
Бир-бирига қалблар тирговуч,

Данақдаги ялакат мисол
Яшайдилар кампир билан чол.

Бўшаб турса чолининг жойи,
Совиб қолар кампирнинг чойи.

Ўғил-қизлар кўтарар бошга,
Лекин чолин йўриғи бошқа.

«Пешонамга сиққан бўлсанг бас...» —
Чол тилидан шу дуо тушмас.

«Узоқ яшанг, бўлинг саломат...» —
Кампирда ҳам шундай тиловат.

Кўзларида оқ-оппоқ хаёл,
Соқолини тутамлаб дер чол:

«Юз ўн бешга кирганди бобом,
Юз ўттизни кўрганди момом.

Улардан ҳеч бўлишмаган кам
Мунис отам, меҳрибон онам.

Мен ҳам шундай... узоқ яшайман,
Энг камида юздан ошгайман.

Ёнимда сен бўласан бирга.

Бирга-бирга... ҳатто қабрга...»

«Нафасингиз иссиқ қилинг, — дер
Чол сўзини шарт бўлиб кампир.—

«Қабр» сўзин олмангиз тилга,
Ваҳималар солмангиз дилга...»

«Хўп-хўп» кулиб мамнун-шодумон,
Кампирига чол беради ён.

Мана шундай беғам-бенифоқ
Улар яшар иноқ-иттифоқ.

Оҳ, шукуҳли кунларнинг бири
Оғриб қолди чолнинг кампири.

Унгламади... Юмилди кўзи,
Чоли қолди... қолди бир ўзи...

Одам ногоҳ толмасин экан,
Тирговучсиз қолмасин экан.

Бағри унинг бўлсин экан бут,
Бут бўлмаса, кетсин экан ўт.

Тугалликда татиркан нон-туз,
Водарингки, чол ҳам юмди кўз.

Саксон бешга тўлган эди-ку,
Юздан ошмоқ бўлган эди-ку...

1985

Қуёш бир ён, ой, юлдуз бир ён.
Яшамайди улар ҳамжиҳат.
Жой берса-да бағри кенг осмон,
Жой бермагай қоп-қора ҳасад.

Ой, юлдузлар тунда йиғилиб,
Тинч қуёшни қилишар игво.
Шафақлардан ҳар ён туғ илиб,
Яшар эмиш эъюзли, танҳо.

Кун бермасмиш ой, юлдузларга,
Билганимиш киборлик, ғурур.
Танҳо тушсам, дермиш кўзларга,
(Эсиз-эсиз ойга инъом нур.)

Фараз қилдим: осмонни қуёш
Ой, юлдузга қўйди бўшатиб.
Не тонг, энди ой ўрни талаш:
Туришибди унга тош отиб...

Фараз қилдим: ой ҳам беркинди —
Кира қолди кўплар раъйига.
Вожабо, юлдузлар энди
Бир-бирининг тушар пайига...

Арзир, қуёш, айтсак шараф-шон!
Арзир, қуёш, сенга тиз буксак!
Ғийбатларга юрагинг нишон!
Ғийбатлардан юрагинг юксак!

1985

АЖОЙИБ БЕШЛИК

*Ч. Айтматов, Р. Гамзатов, М. Карим,
Қ. Қулиев, Д. Кугультиновларга.*

Ҳавас билан ташлайман назар
Иттифоқнинг юлдузларига.

Бешлиги бор,
 эшлик кўргизар
Дилнинг кеча-кундузларига.

Бир-бирига, барчага йўллар
Қалбларининг ёруғларини.

Шу аснода оширар улар
Осмонимиз довуғларини.

Қай бирининг ёрқинлигидан
Бошқалари тортмагай хира.

Юраклари яқинлигидан
Осмон тўқис,
 осмон бокира.

Яккалик, бу — қашшоқлик, асли,
Яккалик, бу — асли худкашлик.
Кўзларимга нечоғ ҳавасли
Чаноқ каби бириккан бешлик.

Эвоҳ, бири...
 учди баногоҳ...
Оғир, оғир, қанчалар оғир!..

Қолганларин вужудида оҳ,
Қолганларин юраги сағир!

Улар ахир эт билан тирноқ,
Меҳрлари нечоғ жамулжам!..

Кўргим келар улардай иноқ
Ўзбекистон юлдузларин ҳам.

1985

БОЛАЛАР УЙИНИНГ БОЛАСИГА

Кетаяпман, Юрагим улоқ.
Ўйлар уни юлқилар шитоб.
«Келасизми?» бу эмас сўроқ.¹
Бу — сен томон чорловчи хитоб.

Кўрганмидим гўдак кўзларнинг
Бу қадарли хўп маъюсини?!
Чирмаб олиб ўтинч сўзларинг,
Ўйлаяпман, болажон, сени.

Уст-бошинг шай, башанг. Қорнинг тўқ.
Ўйинчоғинг жавонда қат-қат.
Фақат сенинг дадажонинг йўқ,
Онажонинг сенинг йўқ фақат.

Кошки улар қўлингдан тутса,
Келар чоғинг богчанг йўлидан.
Сенинг эса, кўчадан ўтсанг,
Тенгқурларинг ушлар қўлингдан.

Қай озордан тўлса дил саҳнинг,
«Ойижон»лаб, айта қолсанг роз...
Бундай тансиқ, соғинчли бахтни
Киноларда кўрарсан, холос.

Қай альбомни очган маҳали,
Қоладирсан ўксик, ютиниб.

¹ Хива шаҳар болалар уйида бўлган учрашувдан кейин бир бола «Визга яна келасизми?»—деб сўради.

Тушмагансан суратга ҳали
Ота-онанг бағрида туриб.

«Отанг ўлган», дейишди маъюс.
«Онанг ўлган», дейишди яна.
Маъюс бўлиб қолдинг, қоракўз.
Шу бўлдим тўнғич кўрмана?!

Сен чизасан, қисганча муштни,
Отажонинг ўқдан ўлганин.
Билмайсан-да, жоним, урушнинг
Қирқ йил аввал тамом бўлганин.

Сен чизасан... онажонингга
Бера туриб барча оқликни.
Билмайсан-да одам номига
Қора ранглар тақамоқликни.

Отанг — бедоғ.
Онанг — беиллат.
Назарингда улар — оққушдай...
Отанг эса... шишага улфат,
Онанг эса... ўзга оғушда...

Ул кўзларга сўзсиз тикилиб,
Сочмоқ учун қаҳрим атайин,
Сени эса оққушим билиб,
Келмоғим шарт! Келмоғим тайин!

1985



*Кечир мени, дўст уйидаги
Сирни очмоқ мақсудим эмас.
Ҳорғин дала-туз қўйнидаги
Онажон халқ ёдда бўлса, бас.*

ЭКСКУРСОВОД ҲИКОЯСИ

Бу ажнабий туристлар-эй..
Хўп ажойиб халқ экан.
Қай сўзида гоҳи ноҳақ,
Гоҳи эса ҳақ экан.

Келишади бизларга ҳам
Хивамизни кўрмоққа.
Баъзан кўрмоқ баҳонаси,
Қитмир савол бермоққа.

Бир келганда:

«Хивангиз соз,

Келса арзир,— дейишди.—

Айтинг лекин,

Туя, эшак

Йўқми ҳозир?» дейишди.

Меҳмон амри вожиб эрур.

Бу ҳис қонда жўшади...

Энди турист туя миниб,

Суратларга тушади.

Лекин меҳмон тилдан қўймас

Ҳамон эски шевани.

Айтар бу гал:

«Ресторани

Бўлмаса, бу — Хивами?»

Гуруримиз ён бермагай,

Гуруримиз жўшади.

Энди турист ресторанда

Яйраб рақсга тушади.

Ҳамон унинг... кўнгли ярим.

«Бундоқ... кўнгил тўлсин,— дер.—

Хивангизнинг ҳарами бор.

Қизлари ҳам бўлсин» дер.

«Майли,— дедик,— бизлар рози.

Мана, ҳарам бизлардан.

Кўнгил очар қизлар эса,

Жаноб, бўлсин сизлардан!»

Мулзам қолди меҳмонимиз.

Қайга қўйсин ўзини?!

Бизнинг жўмард Ўзбекистон

Берармиди сўзини...

1985

ЙЎЛДОШ ҲАҚИДА ИККИ ШЕЪР

I

Бас, тамом! — дедингиз туюқиб-ёниб,
Эшикни ёпдингиз юзимга шартта.
Қанча йўл босгандик...
Баридан тониб,
Наҳот видолашсак?..
Қолдим ҳайратда.
Дил очар эдингиз...
Дил очар эдим... —
Қувониб сиз каби сирдош борига.
«Нечоғ ўхшашмиз-а» энтикиб дердим,
Боқиб енгил руҳим ижодкорига.
Дердингиз: «Йўл битта.
Битта юкимиз,
Майли, бўлса ҳамки кўтармоқ қийин».
...Наҳот энди айру кетсак иккимиз,
«Нечоғ ўхшашмиз-а» сўзидан кейин?!

II

Қай жавобсиз саволлар ўртаб,
Ўртаб шеърга айланмаган дард,
Шеър гадоси бўлган икки қалб —
Биз борардик йўлда ҳамжиҳат.

Сўзлашардик йўл бўйидаги
Қуруқ савлат тераклардан биз,
Қорғин дала-туз қўйнидаги
Қорлар босган кўрақлардан биз.

Сўзлашардик кўрақларини
Тераётган қўллар хусусда.

Дердик: шулар юракларини
Иситгувчи ўт керак сўзда.

Сўзлашардик: инжиқ пахтамыз
Бир ойдаёқ пишса нетар, деб.
Сўзлашардик: оппоқ бахтимиз
Еру кўкни тутиб кетар, деб.

Билсак ҳамки пахтамыз зинҳор
Бугдой каби ўрилмаслигин,
Орзулардик эрта тушган қор
Кўзга хунук кўринмаслигин.

Дўстим, букун олислардасан
Кўздан эмас, юракларимдан.
Билолмасман қандай дарддасан,
Қай бахт тошар тилакларингдан?

Кечир мени, дўст ўйидаги
Сирни очмоқ — мақсудим эмас.
Ҳорғин дала-туз қўйнидаги
Онажон халқ ёдда бўлса, бас!

1985

Яхши бўлсанг, ҳеч ёмонлик қила билмасанг,
Хато қилсанг — беимонлик қила билмасанг,
Ким ўқ бўлса, сен камонлик қила билмасанг,—
Яшасанг арзир.

Сенга жирканч, иснод бўлса ҳасадлар, кинлар,
Ташрифингни интиқ кутса КИМ эмас, КИМЛАР
Борлигининг ўзи бўлса нечоғ таскинлар,—
Яшасанг арзир.

Нималар бор юрагингда — англаса кўплар,
Юрган йўлинг тўғри, дея танласа кўплар,
Ярим йўлда ихлос қайтиб, тонмаса кўплар,—
Яшасанг арзир.

Атрофингда дўстинг бўлса, мухолиф бўлса,
Ким дард берсин, ким панд берсин —
сен ғолиб бўлсанг,
Эл орзуси, эл бахтига хўп толиб бўлсанг,—
Яшасанг арзир.

Ўтмишининг рўйи зарди ёдингда турса,
Тўмарисдек не-не марди ёдингда турса,
Ватан деган севги дарди ёдингда турса,—
Яшасанг арзир.

1985

ХАРАКТЕРИСТИКА

(Ҳазил)

Маъқул бўлса, «главка»га
Айласак, деб, сафарбар,
Бизнинг Эшмат шахси билан
Қизиқибди раҳбарлар.

Сўрашибди: «Одамларга
Эътибори қалай — деб. —
Юриш-туриш, интизоми,
Феъл-атвори қалай?» деб.

Эшмат учун жўшиб-тошиб
Таърифнома бошладик.
Бир ёқадан бош чиқариб,
Сўзни тизиб ташладик.

Биз ёзмадик:
«Мажлисларда
Сўзни олиб қочар» деб.

Ёздик:
«Бизнинг шу Эшматсиз
Мажлислар ҳам ночор» деб.

Биз ёзмадик: «Куни билан
Ўз иши-ла банд» дея.

Ёздик: «Эшмат иш деганга
Едиради панд» дея.

«Ўқимас у, ўз устида
Ишламас» деб ёзмадик.
«Доно» дедик. «Танҳо» дедик...
Бу ёғин ҳам созладик.

«Лаганбардор. Ўз қараши,
Ўз фикри йўқ» демадик.
Бизлар ёздик: «Эшматимиз
Довул йиқмас кемадек.

Хуллас, бизда энг пешқадам —
Шу Эшматнинг бўлими...»
Ажаб эмас, топган бўлсак
Қутилмоқнинг йўлини.

1985

ДУНЁНИ АНГЛАШ

Айтинг, сира зормисиз менга?
Зорингизман лекин, эй йиллар!
Туғилишлар бошланган энди,
Бас, ўртаманг, кўрганим йиллар!

Қандай яхши,
 ҳаёт қонида
Поклик оқса, фаоллик оқса!
Мен туғилдим,
 даҳшат комида
Ғалаба бўй кўрсатган лаҳза.

Эй шеърият,
 оташ нафасли!
Она, десам, этмасмисан рад?
Менинг учун
 туғилиш асли
Сендаги ўт, сендаги ҳайрат!

Елғизликнинг сурати — қора.
Елғизликни кўтармоқ — маҳол.
Мен туғилдим, севги илк бора
Кўзларимга боққани маҳал.

Улимга ҳам бераркансан ён,
Топталсами ярадор руҳинг.
Мен туғилдим, ҳис қилганим он
Ҳамдардликнинг ноёб шукуҳин.

Улкан довруғ кўрармиз кимда,
Наф кўрмасмиз меҳнатларидан.

Мен туғилдим, тонган кунимда
Шундайларнинг шуҳратларидан.

Ақлим ёшни тан олмас зинҳор.
Ақлим ўзни бир куртак атар.
Туғиларман ҳар кун неча бор,
Туғиларман ўлгунга қадар.

1985

ХОРИЖДА

Тун.

Йўл.

Қора сукунат

Ваҳм солар юракка.

Худди йўқдай менда ҳад

Бирор қадам юрмакка.

Хунук хаёллар — отқин,

Борлигимни чош этар.

Ҳатто қадамим — сотқин,

Мени тунга фош этар.

Кўзларим ҳам дўстиммас,

Кўрар фақат қорани.

Турган анов ҳашак-хас —

Хавф-хатарнинг ғарами.

Дарахтлар ҳам, ҳойнаҳой,

Дарахтликдан тонадир.

Орқасидан бериб жой,

Қай заволга панадир.

Даҳшат оқиб қонимда,

Қалбим ғамини ейман.

«Қани энди ёнимда

Одам бўлсайди» дейман

Шарпа. Илғайман ногоҳ

Девдай одам қорасин.

Билиб қоламан паноҳ

Чакалаклар орасин.

Совуқ җуштак сасидан
Увишади юрагим.
Ваҳм исканжасидан
Чиқа қолмоқ — тилагим.

Ғора туннинг комида
Карахт, девонадайман.
«Ғани энди ёнимда
Одам бўлсайди» дейман...

1985

ФЕВРАЛДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Қорлар кетган ер юзасида,
Кўкнинг тиниқ ферузасида,
Қалдирғочлар маърузасида —
Баҳор дараги.

Қабоқларда қор йўқлигида,
Қарашларнинг шод-шўхлигида,
Оддий сўз ҳам қўшиқлигида —
Баҳор дараги.

Қиз кўйлагин гулдорлигида,
Далаларнинг дилдорлигида,
Ўзбекистон бедорлигида —
Баҳор дараги.

1985

ИККИЛИКЛАР

* * *

Қилгуликни қилиб қўяр енгилтак жаҳл.
Унинг учун узр сўрар сўнг босиқ ақл.

* * *

Ойнинг бахти — юлдузларга кўзу
қошлиги.
Бахтсизлиги — шундай тўпда
сўққабошлиги.

* * *

Қай бир дарё сусткашлиги солар бўлса
кўзга хоб,
Уйғотмоғи мумкин кичик ирмоқдаги
зўр шитоб.

* * *

Мен ишонган кўзлар алдамаса бас.
Қолган барча орзу — қуш сути эмас.

* * *

Қуёш ерга ҳаёт тарар, қут тарар.
Шу босе ер уни бошга кўтарар.

* * *

Кимлар учун яшамоқ — кунни ўтса бўлгани.
Кун ўтиши — кимлар-чун ўлмай туриб ўлгани.

* * *

Қуёш меҳр сочадими, сочадими қаҳр ё,
Мақтовдан ўзга йўл йўқ. Боисики: у — танҳо.

* * *

Гоҳ қайси бир манзарага йўқ ранглارни суртамиз.
Ортимиздан келишмоқда. Жарликмас-ку ўртамиз.

* * *

Ой — тунлари танҳоликда мисли шамчироқ.
Кундуз, қуёш ёнида у — шунчаки бир доғ.

* * *

Ўзгалардан ола билмас,
бера олмас ўзи ҳам.
Бўлар экан фикр боғи ҳувиллаб
турган одам.

* * *

Дарахт ҳосилига ҳасадда шамол,
Тўкаркан. Тўкса ҳам нимжонин, алҳол.

* * *

Паноҳ топа берсанг яккаш тўзимдан,
Жар лабига келгач, кўргил ўзингдан.

* * *

Келса ҳам қалдирғоч — баҳордан мужда,
Оҳ, бу қарға саси «қиш» деб хуружда.

* * *

Атаймиз бетайин, айлаймиз бекор,
Ақлимиз етмаган нимаики бор.

* * *

Мисқол олтин ботмон қумга аралаш.
Фаҳми борга осон дерлар саралаш.

* * *

Кимлар осмонимни «зангормас» деди,
Менинг кўзим билан кўрсалар эди...

Сезаман: ҳар дарахт ҳайрати улкан.
 Ҳар барг қизиқсиниб, ошкор тикилар,
 Менинг танти халқим лутф айлар экан.
 «Боғларга булбулу шоирлар келар»¹.

Нечоғлик эҳтиром, нечоғлик ихлос!
 Ўз расму русми бор ҳар қайси ернинг.
 Лекин мен жунжикиб кетдим айна ёз:
 Чиндан боғлардами, шоирим, ўрнинг?

Наҳот сен ёзажак сўзларинг излаб,
 Барглар шивирини тингласанг хурсанд?!
 Наҳот сен салқинлар бағрини кўзлаб,
 Қуёш жазавасин кўрмасдан юрсанг?!

Сатрингда иссиқдан лоҳас жон эмас,
 Бағри бут кимсалар айласа фикр...
 Миллионни даст тутган паҳлавон эмас,
 Соянишин зотлар этилса зикр...

Сесканиб кетаман... Офтоб тигида
 Юрган дугоналар этгандай таъна.
 Орзу тўла улар қорачиғида,
 Ҳар ниҳол қошида эгилган, ана...

Уялиб кетаман чўл қизларининг
 Балки сира айтмас маломатидан,
 Шамоллар ялаган гул юзларининг
 Мен ҳали ёзмаган малоҳатидан.

¹ «Боғларга булбуллару шоирлар келади». *Машҳур боғбон Мусақул Оролов сўзи.*

Оҳ, улар айтмайди, айтмагай сира —
Таъна-дашномларга фурсати йўқлар.
Лекин қарашлари нечоғ бокира,
Лекин руҳларида шоирлик ухлар.

Лабларини тўсиб рўмолча ила,
«Севги шеъридан ҳам эшитсак...» — деркан,
Кўраман: ўзлари шеърдай оқила,
Кўраман: ўзлари севгидай кўркам.

Ушалар ёнида тўхтаган бўлса,
Сатрига эрганса ҳайратлар, сирлар,
Ўзга қалб сўзлари қалбига тўлса,
Боғларга шундан сўнг келсин шоирлар!

1985

МУНДАРИЖА

Автопортрет	4
Шеър назариячисига айтганларим	6
Анжир пишибди	7
Кутиш	8
«Деразага кўзимни тикиб...»	9
Юнон худолари	10
Ирина Родина	12
Муз устида балет	13
Ватан	14
«Мен шеър ёзар эдим...»	16
«Хаёлларинг сен кўрмаган...»	17
Тбилиси ҳақида икки шеър	19
Ҳақиқат ҳақида қўшиқ	21
Кайфият	22
Ангрен йўлида	23
«Мен сезиб тураман гуноҳкорлигинг...»	24
«Мен — тонг пайти...»	25
«Икки юрак аро икки қадам йўл...»	28
Мактубингга жавобим	29
«Мен чинор умрига...»	30
Светофорнинг кўк чироғи	32
Умид	34
Болалик лавҳалари	35
Диёрим қиши	36
Бачана	38
Халқимга	40
«Мен қилмасман асло башорат...»	41
«Табиат ҳусндан қисган аёллар...»	43
Калининнинг ялангоёқ болалари	44
«Биласан: ёринг — гул...»	45
«Тумор бўлсин, дея...»	46

«Ўзбек — сен, болажон...»	47
«Осмон сиёҳ...»	48
«Баҳор бор санъати, ҳаваси билан...»	50
Аёл	52
«Билмадим, узун кун «чоп-чоп»иданми...»	54
Куба берган сатрлар (туркум)	56
1. «Қорамағиз Куба, сенга...»	56
2. «Мен ҳеч қачон кўрмаган фусун...»	58
3. Фидель, сиздан шеър қарздорман	59
4. Қадимий кубаликлар айтган қўшиқ	61
5. Қабристондаги ўйлар	62
«Улуғлаймиз қуёшни беҳад...»	63
«Хаёлларинг иситмасам...»	64
Фожиа	65
«Борар икки йўловчи...»	68
«Ортдаги йилларим...»	69
Дераза олдидаги сўнгги томошабинга	70
«Деҳқон қўлин тафти ёдидан чиққан...»	71
«Ўғлим, тақдим этдим сенга кўп китоб...»	72
«Кўз ўнгимда оламнинг...»	74
«Илтимос, ундаманг мени сўзлашга...»	76
«Дедингиз: ташаккур, қувончим, эркам...»	77
Қодирийнинг сўнгги хаёллари	78
«Устоз, кўраркансиз иқболимни бут...»	79
«Денгизман...»	81
Янги йилдан истакларим	82
«Мажнунтолман...»	84
Дахлдорлик	86
Ўзимга	87
«Мени қиёс айлайсиз ойга...»	90
Ўзбекистон баҳори	91
Оҳ, нетайки...	93
«Вақт топмай қуёшдан дилим хушларга...»	94
«Бемуруват, худбин раъйида...»	95
Нурли нуқталар	96
«Ачинмасман, агар сизга бўлмасам суюк...»	97

«Бесар замон, десалар...»	98
Саволлар	100
Фахрия	101
«Осмонингиз қуёши бор...»	103
«Тўлдим, деманг. Тўлиқмассиз...»	104
«Кўзни қандай юмсақ, шундай очамиз...»	106
Чолғучининг айтгани	107
Америкалик урушпарастларга	108
Най ҳақида	110
Висол манзараси	111
«Ўлтирарсиз. Ўлтирарман...»	113
Диогенга	114
Болалик хотиралари	117
«Танбал булутларга келар-да ғаши...»	118
Сохта ватанпарварлик	119
Бўзтўрғай	121
«Болажон, қўйгансан гулларга кўнгил...»	122
«Битта-битта япроқ учар...»	123
«Бир кам дунё...»	124
«Қачон қалб юртимни бу жаҳонгир босди?...»	125
Ўтмишдаги буюкларни ўйлаб...	128
«Вожаб, гулни бўғиб...»	129
«Сойлар қўлин тутган онажон дарё...»	130
Тузалмас хато	131
«Озор жон-жонидан ўтаркан...»	132
«Туш кўрар бўлсам агар...»	133
«Заррин уфқларга кўзларин тикиб...»	134
Нуқтаи назарлар	135
Суянчиқ	136
«Ёлғон, бари ёлғон...»	138
Ўғлим Улуғбекка	139
Баҳорда баҳорни соғиниш	140
Орзу	142
Ўйлайман	143
Музейда	145
«Ёздим. Назар солсам...»	146

«Дейдилар: кўзингиз менга тушганда...» . . .	148
«Кўзасиз...»	149
«Кўрдим: танҳо замин боғлари турли...» . . .	150
Марина Цветаевадан	151
1. «Ана у, қарангиз...»	151
2. «Келдим...»	152
3. «Қалбинг учқур қанот билан...» . . .	153
4. «Қўллар ёр бўйида турмагач эриб...»	154
5. «Кимки уй қурган эмас...»	155
6. «Қуллуқ сенга, тангри-ҳотам...» . . .	156
7. Денгизчи	157
Боғларга тасвир	158
Ёзилмаган шеъримга	160
«Эй гулларим...»	161
Чол билан кампир	162
«Қуёш бир ён...»	164
Ажойиб бешлик	165
Болалар уйининг боласига	167
Эксурсовод ҳикояси	170
Йўлдош ҳақида икки шеър	172
«Яхши бўлсанг, ҳеч ёмонлик қила билмасанг...»	174
Характеристика	175
Дунёни англаш	177
Хорижда	179
Февралда ёзилган шеър	181
Иккиликлар	182
«Сезаман: ҳар дарахт ҳайрати улкан...» . . .	185

На узбекском языке
ГУЛЧЕХРА НУРУЛЛАЕВА
СВЕТЛЫЕ ТОЧКИ

С т и х и

Тақризчилар: *Рауф Парфи, Норбой Худойбергенов.*



Редактор *Р. Абдурашид*
Расмлар редактори *А. Кива*
Техн. редактор *Е. Потапова*
Корректор *Ш. Муҳиддинова*

ИБ № 3221.

Босмахонага берилди 23.01.86. Босишга рухсат этилди 21.07.86 Р 14660 Формати 70X90^{1/32}. Босма-хона қоғози № 1. Мактаб гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма л. 7,02. Шартли кр.-оттиск 12,49. Нашр л. 4,99. Тиражи 10000. Заказ 1007. Баҳоси 80 т. Мелованный қоғози баҳоси 1 с. 20 т. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129. Тошкент Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР нашриётлар полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош қорхонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21.